O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Куч—адолатда

# АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ☼ 2000 йил, 10 ноябрь ☼ Жума кунлари чиқади № 41 (276) ☼ Сотувда эркин нархда

**● Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда.**

**Ислом КАРИМОВ.**

*Миллий истиқлол ғояси: маънавият*

## МАЪНАВИЙ ГАНЖ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари негизида яратилган «МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР» рисоласи маънавий-мафкуравий ҳаётимиздаги янги босқични белгилаб берди. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан бошланадиган бу рисоланинг «Миллий ғоя ва мафкуралар тарихи», «Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш», «Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар», «Миллий истиқлол мафкураси», «Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдириш» деб номланувчи беш бобида маънавий-маърифий тараққиётимиз тамойиллари, Ватан равнақи, ёш авлодни юксак миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг муҳим масалалари баён этилган.***

***Вазирлар Маҳкамасида мазкур масалалар юзасидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси, «Миллий истиқлол мафкураси» концепциясини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Йиғилишда сўзга чиққан республика таълим тизими, оммавий ахборот воситалари вакиллари, адиб ва мутахассислар бу йўналишда олиб борилаётган ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим чора-тадбирлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар...***

Биз эса ушбу қимматбаҳо рисолани ўқир эканмиз, айниқса, унинг **«Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдириш»** бобидаги «Маданият ва маданий-маърифий муассасалар мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдиришда катта имкониятларга эга. Бунда кутубхона, театр, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасалар фаолиятидан кенг фойдаланиш, кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, одамларга руҳий-маънавий озиқ берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим» деган сўзлар диққатимизни тортди.

Дарҳақиқат, қишлоқ маданият марказлари, маънавият уюшмалари ҳақида ҳар гал ўйлаганимизда, ёшларнинг дунёвий тасаввурларини шакллантиришда муҳит ва шароитнинг роли, таъсири нақадар катта эканлигини ҳис этамиз. Қишлоқ маданият уйлари, клуб ва кутубхоналар, мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини бугунги истиқлол талаблари даражасига кўтариш хусусида кўп ўйлаймиз. Шу ўринда ўтган йили бўлиб ўтган бир воқеа ёдга тушди. Биз, Фарғона вилоятининг бир гуруҳ шоир ва олимларидан иборат вакиллари Ҳазиний бобомизнинг 130 йиллиги байрамида иштирок этиш учун Боғдод туманидаги Қоровултепа қишлоғида бўлдик. Қишлоқ маданият маркази ва 13-ўрта мактаб жамоаси томонидан тайёрланган, Ҳазинийга бағишланган адабий кеча ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Шоир шеър ўқиб, ҳофиз хониш қилар экан, залда ўтирган кекса боболар, момолар беихтиёр йиғлаётганига гувоҳ бўлдик. Бу – кишиларимиз қалбидаги маънавиятга ошуфталик, қадриятларимизга эҳтиёж эмасми?!.

Уч соат давом этган ҳазинийхонликда беш юзга яқин одамдан бирортасининг ҳам кетгиси йўқ эди. Бу адабий учрашувни юзлаб қишлоқ аҳли зал кираверишида тик турганича мароқ билан кузатдилар. Қоровултепа қишлоғидаги бу унутилмас учрашувда ғазалхон, адабиётни жондилидан севувчи халқимиз борлигидан фахру ифтихорга тўлиб ўтирдик. Хаёлимиздан: «Қани энди ҳамма қишлоқ маданият марказларида ҳам ана шундай адабий йиғинлар тез-тез ўтиб турса, маънавий қадриятлар тикланса, миллий истиқлол ғояларини одамлар онгига сингдирсак, бир одам ўзи билмаган нарсани иккинчисига ўргатса, айтса, фарзандларимиз ҳам улуғ боболари қолдирган меросни, мустақиллик инъом этган қадриятларимизни чуқур ўрганса» деган ўйлар кечди. Гўё хаёлимиздан ўтган нарсаларни сезгандай ҳамроҳимиз, республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимининг раиси Тоҳир ака Абдураимов «Қаранг, қишлоқларда бундай тадбирларни кўпроқ ўтказсак бўлар экан, одамларимизда маънавий уйғонишга эҳтиёж роса кучайибди», – дея таъкидлади...

Қишлоқ кишилари билан хайрлашар эканмиз, гуруҳимиз аъзолари – шоирлар Исмоил Маҳмуд, Малика Мирзаева, Матлуба Деҳқон қизи анжуман бахш этган маънавий қувватни бир-биримиздан яширолмас эдик.

Лекин вилоятдаги ҳамма қишлоқ маданият масканларида олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидекми? Ҳар гал Фарғонадан келаётганимизда бир қишлоқда «Қишлоқ маданият маркази» деган ёзувга кўзимиз тушади. Ўнғиб кетган ёзув, унинг орқа томонидаги транспортларни таъмирлаш устахонаси, қассобхона, савдо дўкони каби тармоқларга қараб «бунинг нимаси маданият маркази экан?» деган савол хаёлимиздан ўтаверади. Афсуски, кутубхоналарни ош ейдиган чойхона, улфатхоналарга бўшатиб берган, клубларни пастқам биноларга жойлаштириб қўйган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Назаримизда, қишлоқ маданият марказлари, уйлари, клуб ва кутубхоналар фаолиятини ошириш даври келди. Чунки бундай масканлар миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилишга хизмат қилмоғи лозим.

Юртимиз раҳбарияти ёшлар маънавиятини бойитишга, халқимиз онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришга катта эътибор бермоқда. Бу вазифани энг аввало маданият муассасалари, қишлоқ маданият марказлари, клуб, кутубхоналар бажармоғи лозим. Бунинг учун томирида ғўзалликка ошуфталик қони жўш урган, халқ маънавиятига бефарқ қарай олмайдиган, фидойи кадрларга эътиборни қаратиш зарур. Шундагина ҳазрат Хожамназар Ҳувайдо айтганидек:

**Талаб қил, маънавий ганж, эй биродар!**

дейиш осон бўлади.

**Тўхтамурод ТОШЕВ,**
**Маликжон БОБОРАҲИМОВ.**

*● Газетхон илҳоми*

## МИЛИЦИЯ ҲАҚИДА

*Қўшиқ*

**Шонли милициям эл-юрт посбони,**
**Темурий интизом тандаги жони,**
**Либосда туғро бор – юртим нишони,**
**Садоқат, жасорат, шараф ва шони,**
**У – сергак, у – ҳушёр, қатъийдир ишда,**
**Омон бўл, ҳур Ватан, тинч, осойишта!**

**Жасур бўл, мард бўл деб онаси туққан,**
**Машқларда чиниққан, чин ғолиб чиққан,**
**Истиқлол бахтим деб, жонини тиккан,**
**У – сергак, у – ҳушёр, қатъийдир ишда,**
**Омон бўл, ҳур Ватан, тинч, осойишта!**

**Кузатар, у жиддий, ўнгу сўлини,**
**Ўғри-ю қаллобнинг тутар қўлини,**
**Гар чиқса муштумзўр, букар белини,**
**Ёв келса даф қилгай, қатъийдир ишда,**
**Омон бўл, ҳур Ватан, тинч, осойишта!**

**Ғилофда тўппонча, шайдир яроғи,**
**Манзил кўп, ҳар уйга етгай оёғи,**
**Эли шод, юрт обод, порлар чироғи,**
**Янграгай ҳуштаги, хавф сезган чоғи,**
**У – сергак, у – ҳушёр, қатъийдир ишда,**
**Омон бўл, ҳур Ватан, тинч, осойишта!**

**Мамажон ХОЛИҚОВ.**

ДОРУССАЛОМ. Танзания президенти Бенжамин Мкапа мамлакатда 29 октябрда бўлиб ўтган умумий сайлов натижасига кўра давлат бошлиғи лавозимига қайта сайланди. Миллий сайлов комиссияси эълон қилган ҳисоботда айтилишича, у 71,7 фоиз овоз тўплаган. Шунингдек, Б. Мкапа раҳбарлигидаги Танзания инқилобий партияси олий қонун чиқарувчи органдан ҳам кўп ўрин эгаллади.

* * *

**ТИРАНА. Албания Югославиянинг янги ҳукумати билан алоқа ўрнатишга тайёр. Мамлакат ташқи ишлар вазири Паскаль Милонинг айтишича, икки давлат ўртасида муносабатлар қарор топиши минтақада вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда қўл келади. Илгарироқ Югославия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Горан Звиланович ҳам Албания билан алоқа ўрнатиш истагини билдирганди.**

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Фаластин миллий маъмурияти раиси Ёсир Арафот БМТ Хавфсизлик кенгашининг Яқин Шарқ масаласи бўйича яқинда ўтказиладиган ёпиқ мажлисида иштирок этади. Кенгашнинг амалдаги раиси нидерландиялик Питер ван Валсум шуни маълум қилди. Унинг айтишича, мажлисда Исроил вакили ҳам қатнашади.

* * *

**ЖЕНЕВА. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Кипр муаммосини ҳал қилиш бўйича музокараларнинг олтинчи босқичини келаси йил январь ойининг охирларида Женевада ўтказишни таклиф қилди. У Кипр президенти Глафкос Клиридис ва бу оролда яшовчи турклар етакчиси Рауф Денктошни музокараларда фаол иштирок этишга чақирди.**

Таиланд. Илон ўргатувчи қиз.

* * *

БЕРЛИН. Эстония жадал суръатда Европа Иттифоқи ва НАТО билан интеграциялашишга ҳаракат қиляпти. Берлинда ГФР канцлери Герхард Шрёдер ва бундестаг (парламент) раиси Волфганг Тирзе билан учрашганидан сўнг Эстония президенти Леннарт Мери шундай деди. Унинг айтишича, расмий Таллин бу масалада Германиянинг дастаги ва тўла хайрихоҳлигидан умидвордир.

* * *

**ТРИПОЛИ. Конго Демократик Республикасида (КДР) тинчлик ўрнатиш масаласига бағишлаб ўтказилган учрашувда мазкур мамлакатга Африканинг тинчликни сақлаш кучларини жойлаштиришга қарор қилинди. Бу ҳақда Ливия вакили Али Абдусалом маълум қилди. Унинг айтишича, мазкур қўшин КДРнинг Руанда ва Уганда чегараларида хавфсизликни таъминлаш билан шуғулланади. Ливия вакили ташкил этилажак тинчликни сақлаш кучлар сафидан қанча аскар бўлишини аниқ айтмади.**

* * *

ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Фаластин раҳбари Ёсир Арафот билан учрашув чоғида тўқнашувларда яраланган фаластинликларни даволаниш учун Бирлашган Қироллиққа юборишни таклиф этди. Хабарларга қараганда, Т. Блэр икки томонни ҳам зўравонликларга барҳам беришга чақирган.

* * *

**ПЕКИН. Хитойнинг Фуцзян вилояти ва Сямэн шаҳри партия ва давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамда божхона хизматларининг юқори мартабали 14 нафар ходими коррупция ва контрабандада айбланиб, ўлимга ҳукм қилинди. Бу амалдорлар давлатга 53 миллиард юан (6,4 миллиард АҚШ доллари) миқдорида зарар етказгани маълум бўлди. Яна 56 кишига турли муддатли қамоқ жазоси белгиланди.**

* * *

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик кенгаши Фаластин масаласида бирор қарор қабул қилишга ҳали тайёр эмас. Кенгашнинг амалдаги раиси нидерландиялик Питер ван Валсум Яқин Шарқда вужудга келган вазият муҳокама қилинган ёпиқ мажлисдан сўнг шуни маълум қилди. Унинг айтишича, мажлисда Фаластин маъмуриятининг Исроил босиб олган ҳудудларга БМТнинг қўшинларини жойлаштириш тўғрисидаги таклифи ҳам муҳокама қилинган.



**Сандиқчилик — халқимизнинг қадим ҳунармандчилик турларидан бири. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу ноёб санъаткорлик намунаси бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Уста меҳридан жило олган ранг-баранг сандиқ ва сандиқчалар не-не келинчаклар уйини безамоқда.**

*Журналист суриштируви*

## ОСМОНДАН ТУШГАН ТАФТИШЧИ

*ёки солиқчининг сохта далолатномаси «асоси»даги машмаша*

***Жомбой туман марказига кираверишдаги шоҳ бекатнинг шундоққина биқинида жойлашган салқин ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи чоғроққина дўконда рўй берган воқеа бунчалик катта жанжалга сабаб бўлади деб кўпчилик ўйламаган эди. Аммо ўз ҳуқуқини таниган тадбиркор «қайсар чиқди», бормаган жойи, ёзмаган ташкилоти қолмади. Аввалига иш судда силлиққина ўтиб кетади деб ўйлаган қонуншунослар, аниқроғи, солиқчиларнинг сохта далолатномаси асосида жиноий иш қўзғаган туман прокуратураси ва ҳукм чиқарган туман судидаги мансабдорлар бугун ҳайрон. Чунки бошданоқ ҳеч қандай далилларга эга бўлмаган, бир ёқлама айбловларга асосланган суд ҳукми бекор қилинди.***

Салқин ичимликлар дўкони «Сейф» масъулияти чекланган фирмасига, аниқроғи жомбойлик тадбиркор Зебинисо Ҳудойқуловага тегишли. У туман ҳокимининг 1999 йил 15 май кунидаги қарори билан бу ерда савдо фаолияти билан шуғулланиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тўғрилаб энди иш бошлаганда ногаҳонда туман давлат солиқ идораси назоратчилари ташриф буюриб қолишди. Очиғи, дўкондаги мўл-кўлчилик, саранжом-саришталик солиқчилар Рустам Турсунов ва Насим Равшановларга ёқмади чоғи, зўр бериб камчилик қидиришга тушди. Аммо қайси ҳужжатни суриштирмасин ҳаммаси жойида. Тамаки ва ароқ маҳсулотларига акциз маркалари ҳам, назорат касса машинаси ҳам рисоладагидек!

Бунақаси кетмайди. Савдо дўконими, албатта қинғирлик бўлиши, солиқчининг олдида дўкондорнинг оёғи қалтираб туриши керак. Барибир далолатнома тўлғазилди. Дўконнинг ўзида мижозга ароқ қуйиб сотилмоқда деган мазмунда. Аммо мижоз ким, унга неча пулга ароқ сотилганлиги билан қизиқишмади. Аниқроғи, бундай мижознинг ўзи йўқ эди. Сохта далолатномага 458 минг 486 сўмлик спиртли ичимликлар, 158 минг 695 сўмлик салқин ичимликлар ва 8280 сўмлик тамаки маҳсулотлари акциз маркаларисиз, назорат касса машинаси ўрнатилмаган деган айбловлар қўшиб қўйилди. Сўнгра, бу далолатномани дўкон эгасига қўл қўйдирмай, уни таништирмай ўзларича расмийлаштириб, туман прокурорига топширишди. Дўкондаги «ноқонуний» ҳисобланган барча товарлар эса вақтинчалик мусодара қилиниб, фирма фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Шундан сўнг, фирма раҳбари Зебинисо Ҳудойқулова ва унинг ўғли, яъни, дўкон сотувчиси Обид Тоштемировнинг оворагарчиликлари бошланди. Солиқчиларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан ёзилган шикоят наф бермади. Боз устига рўй берган ҳолатни синчиклаб ўрганиб, тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиши зарур бўлган туман прокуратураси унга қарши Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисмини қўллаб жиноий иш қўзғади.

– Прокуратура топшириғига асосан терговни олиб борган туман Ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи Қўлдош Мирзаев кўп чўзиб ўтирмай, жиноий ишни нарибери тўлдириб, туман судига оширди. Жомбой туман судининг собиқ судьяси Зафар Отақулов эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан дўкон сотувчиси Обид Тоштемировни айбли деб топди. Яъни, унинг мол-мулки мусодара қилиниб, икки йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинлаш, буниси ҳам етмагандек ишлаб топган ойлик маошининг 25 фоизини давлат фойдасига ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Зебинисо Ҳудойқулова суднинг адолатсиз ҳукми устидан юқори суд органларига шикоят ёзди. Ўз ҳуқуқини тиришиб ҳимоя қилди. Ниҳоят, республика Бош прокурори, республика Олий судига қилинган мурожаатлардан сўнг Жомбой туман судининг 1999 йил 10 ноябрдаги ҳукми бекор қилиниб, иш қайта терговга юборилди.

Қарангки, туман прокуратураси бу ишни яна дастлабки терговни олиб борган терговчи Қўлдош Мирзаевга топширди. Терговчига эса ўз қарорини ўзгартириш, яъни ҳақиқатни тан олиш осон бўлмади.

– Дастлаб ўғлим устидан чиқарган ҳукмни амнистияга алмаштирмоқчи бўлишди, – дейди Зебинисо Ҳудойқулова. – Лекин биз ноҳақ чеккан бир йилу уч ойлик изтиробларимиз эвазига буткул оқлашларини талаб қилдик.

Ниҳоят, Жомбой туман Ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи Қўлдош Мирзаев шу йил 13 октябрдаги қарори билан Обиджон Тоштемировга нисбатан қўзғатилган жиноят иши унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун ҳаракатдан тўхтатилсин деган қарор чиқарди.

Ҳақиқат тантана қилди. Бироқ суд ва прокуратура идораларида сарсон-саргардонликда ўтказилган бир йилу уч ой давомидаги изтироблар-чи? Дўкондаги маҳсулотлар мусодара қилингач, сифати бузилиб яроқсиз ҳолга келганлигидан 135 минг сўмлик зарарни ким тўлайди? Сохта далолатнома тузиб тадбиркорни овора қилган солиқчиларга нисбатан ким чора кўради?

Қизиғи шундаки, туман солиқ идорасидагилар бу воқеага ишда рўй берадиган шунчаки оддий англашилмовчилик сифатида қарашмоқда. Тадбиркор Зебинисо Ҳудойқуловага нисбатан ноқонуний текшириш ўтказиб, сохтакорликка йўл қўйган солиқ назоратчилари Рустам Турсунов ва Равшан Насимов аввалгидек эмин-эркин ишлаб юришибди.

Туман солиқ идораси раҳбари Ибодулла Зиёдуллаев бу вазифага яқинда тайинланганлигини айтиб, воқеага муносабат билдиришдан «тортинди». Лекин солиқ идораси билан тадбиркорлар ўртасида нохуш келишмовчиликлар бугун ҳам юз бермаслиги учун қандай чоралар кўрилаётганлиги ҳақида аниқ жавоб бера олмади. Эҳтимол, бу саволга вилоят Давлат солиқ бошқармасидаги мутасаддилар раҳбарлари жавоб беришар? Ахир сохтакорлик, ғаразгўйлик, таъмагирликлар эмас, ҳалоллик, ҳаққонийлик, изчиллик, солиқ идорасига, солиқ сиёсатига нисбатан фуқаронинг ишончини мустаҳкамлашини улар билишади-ку!

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Адолат»нинг ўз мухбири.**

*ҒАЛАБА МУБОРАК, АЗИЗ ФАРҒОНАМ!*

***Вилоят пахтакорлари 362 минг тонналик хирмон кўтариб зафар маррасини эгалладилар***

***Бугун қадимий ва навқирон, гўзал Фарғонада катта тантана. Ахдига содиқ пахтакорлар ваъдаларига вафо қилдилар. Улар табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, зафар маррасини эгаллашди. Она Ватан фарғоналик заршунослардан 362 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 30 центнердан ошиб кетди.***

Кўпинча белгиланган режалар бажарилмай қолса, айримлар об-ҳавонинг ноқулай келганлигини баҳона қилишади. Тўғри, мўл ҳосил етиштиришга табиат инжиқликлари бирмунча таъсир қилиши мумкин. Аммо деҳқон тадбиркор бўлса, қийинчиликларга қарши оқилона курашиб, вақтида бартараф этолса, албатта кўзлаган маррасига эришади. Буни вилоят пахтакорларининг эришган галабаси яққол исботлаб турибди.

Фарғоналиклар асил ориятли, мард, танти инсонлар. Тўрт йилдан бери пахта тайёрлаш режаларининг бажарилмаслиги фақат пахтакорларнигина эмас, вилоятдаги ҳар бир кишини ташвишлантириб келаётган эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида «Менинг назаримда, йил сайин Фарғонадан файз-барака кўтарилаётгандек, вилоят аввалги мавқеини, илгариги жозибасини, тароватини йўқотаётгандек туюлади ва кўнглимни ғаш қилади», деб айтган сўзлари ҳар бир фарғоналикнинг юрагига етиб борди. Ғурурини жўш урдириб юборди. Натижада астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини берди.

Ҳозир Фарғонанинг қаерига борманг, хурсандчилик, кўтаринкилик. Ваъдага вафодорлар даладаги бор ҳосилни сўнгги миқолигача териб топшириш учун ғайрат кўрсатиш билан бирга келгуси йил ҳосилига замин яратишга ҳам зўр беришяпти.

**Каримжон РИХСИЕВ.**

*«ОБУНА — 2001»*

**«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!**

Унга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг! Барча алоқа бўлимларида, газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бошқармаларида, бўлимларида газетага обуна қизғин давом этмоқда.

**«Адолат»нинг нашр кўрсаткичи-100. Йиллик баҳоси – 8016 сўм.**

***(Вилоятларда қисман фарқ қилади).***

# 2. ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

*Огоҳ бўлиш—ўз оилангни, ўз ватанингни ҳимоя қилишдир*

***Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур.***

***Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг «даъвати» ҳам, аҳлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.***

***Ислом КАРИМОВ.***

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида*

## ДИН НИҚОБИДАГИ ҚОНХЎР ЖАЛЛОДЛАР

***Ичига зил-замбил бочка ортилган «Запорожец» автомашинаси ИИВ биноси яқинига келиб тўхтаб, унинг ичидан икки киши тушди-да нарироқдаги троллейбусга ўзини урди. Йўловчилар билан гавжум троллейбус бироз юргач юқоридаги симларга тегиб турадиган икки «шохи» чиқиб кетди. Худди шу пайтда атайлаб қилгандек ИИВ биноси олдида қаттиқ портлаш рўй бериб, осмонга қора тутун ўрлади. Ваҳимага тушган йўловчилар троллейбусдан тушиб тарқала бошлашди. Ҳалиги «Запорожец»ни ҳайдаб келган икки йигит эса гўё орзиқиб кутаётган ниятларига етгандек бир-бирларига маъноли қараб олишди-да бошқа транспортга ўтириб йўлда давом этишди. Улар шу кетишда қўшни Қозоғистон Республикаси ҳудудига йўл олишди.***

Хўш, бу йигитлар кимлар? Мазкур саволга шу кунларда Ўзбекистон Олий суди ўта оғир жиноятларга қўл урган 12 нафар террорчи қонхўрлар устидан давом этаётган суд мажлисида гувоҳлик бераётган маҳбус (у Ўзбекистон Олий суди томонидан 1999 йил 28 июль куни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган) Фозил Асқаров «Абдували Ҳасанов ва Ҳасан Зикировлар эди» деб жавоб берди. Унинг таъкидлашича бу икки қузғун ўша куни портловчи модда юкланган «Запорожец»ни ҳайдаб келиб ўша ерга қўйгану, то у портлагунчаёқ жўфтакни рослаб қолган.

Суд мажлисида ўша машъум 16 февраль воқеалари кимлар томонидан содир этилган, уларнинг ташкилотчиларию, таъминотчилари кимлар деган саволларга аниқ жавоб топилмоқда. Мустақиллик майдонидаги портлатилган портловчи моддалар эса Ўзбекистон Олий судининг ҳукми билан йигирма йилга озодликдан маҳрум этилган маҳбус-гувоҳ Абдусаид Саидвалиевнинг тан олиб таъкидлашича, унинг янги қурилаётган участкасида тайёрланган экан. У бу воқеани очиқ суд мажлисида йиғилганларга ҳикоя қилар экан шундай деди:

– 1998 йилнинг ноябрь ойи эди. Қўшни маҳаллада яшовчи Акром деган танишим «Бир жамоа тузсанг диний билим берувчи домла бор» деди. Мен азбаройи исломга бўлган эътиқодимдан унинг айтганини қилдим. Бизга Оловуддин Болтаев деган мулла «Жундиллоҳ» деган китобидан дарс бера бошлади. У Қуръону ҳадислардан сабоқ берарди.

Кунларнинг бирида Акром менга:

– Сенинг участканг бўш турибди. Агар иложи бўлса унда уч-тўрт мусофир яшаб турсин, – деди.

Мен уларнинг орасида қурилиш устаси борлиги учун ҳам рози бўлдим. Негаки келишувга биноан у қурилишда кўмаклашиши лозим эди-да. Калитни Акромнинг ўзи олиб кетди. Бир куни бориб қарасам ҳовлимдаги тахтанинг ичида йигирматача қоп турибди. Уларга селитра солинган экан...

Кунларнинг бирида домлам Оловуддин:

– Участкангиздаги йигитлар яшаб туришибдими? – деб сўраб қолдилар. Кейин билсам домлам ва участкамда яшаётган «мусофир»лар билан бир гуруҳдан эканлар.

Январь ойида хабар олгани борсам участкамдаги «мусофирлар» кетиб қолишибди. Улардан эсдалик бўлиб битта каттакон қозон, селитра қолдиқлари ва қўлқоплар қолибди. Дарвоқе, булар кетмасларидан сал бурун мендан пул сўрашувди. Ўшанда Равшан Солижонов деганига 1000 АҚШ доллари берган эдим.

Оловуддин тез-тез Олмаотага қатнаб турарди. 16 февраль куни у менга телефон қилиб ўзи яшаб турган хонадонга тезда етиб боришимни айтди. Машинамда бордим. Уйимизга қайтаётиб йўлда ундан Муродилла Қозиев ва Шавкат Каримовларни сўрадим. (Улар участкамда яшаб турган «мусофир»лар ҳузурига тез-тез келиб туришибди). Лекин аниқ жавоб ололмадик. Кейин уйимга Равшан Солижонов билан Рустам деган йигит келди. Соат 10-11 ларда ҳаммалари мен билан хайрлашиб кетишди. Телевизорни қўйсам пойтахтдаги портлатишлар кўрсатилаётган экан. Дилшод деганлари мени Оловуддиннинг олдига олиб борди. Кейин билсам Оловуддин Болтаев Тоҳир Йўлдошев ва Жума Ҳожиевларнинг Ўзбекистондаги амири бўлиб у менга Мустақиллик майдонидаги портлатишларни Муродилла Қозиев билан Шавкат Каримовлар содир этишганлигини айтиб берди. Қўрққанимдан Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига қочиб кетдим. Мени ўша ердан тутиб келишди.

Террорчилар гарчи ўзларини «диний ҳаракат» аъзолари деб атаётган бўлсалар ҳам аслида талончи-босқинчи ўғрилар эди. Улардан бири 1973 йилда туғилган андижонлик Жалолиддин Турғунов судда ўз қилмишларига иқрор бўлиб шундай деди:

– 1995 йилда биз йиғилиб турадиган Жомеъ масжиди ёпилгандан сўнг раҳбаримиз Зафар Маҳмудов бошчилигида наманганлик Абдували Йўлдошевнинг уйида учрашиб турадиган бўлдик. Дастлаб Аъзамжон Набиевнинг уйига босқинчилик қилдик. Бир ярим соат мобайнида барча оила аъзоларининг қўл ва оёқларини боғлаб, пул ва бошқа қимматбаҳо нарсаларини олиб машинасини миниб чиқиб кетдик.

Ана шундай кунларнинг бирида бизнинг уйимизга Қозим Зокиров кириб келди. Гуруҳимизнинг барча аъзолари унга содиқ бўлишга қасам ичдик. Кейин Салоҳиддин Ризаев деган кишининг уйига беш киши бўлиб бостириб кирдик. Неъматулла қўл автомати билан, Шуҳрат пистолет билан қуролланган эди. Ҳаммамизда ип ва ниқоблар бор эди. Бу уйдан ҳам қимматбаҳо буюмлару пулларни ўмариб, машинасини миниб қўён бўлдик. Орадан кўп ўтмай Зафар, Содиқ, Файзулла, Ҳотам ва мен Носир Қудратовнинг уйини таладик. Спирт заводи директори Шуҳрат Мадазимовни эса уйини талаш чоғида Шуҳрат билан Зоҳид ўлдириб қўйишди. Хонадондан 100 минг сўм пул ўмариб чиқиб кетдик ва ҳаммасини тўлалигича «Байтул мол» жамғармасига жўнатдик. Навбатдаги босқинчиликларимиздан бирида уй эгаси Бобоянцни ҳам Шуҳрат бўғизлаб ўлдирди.

Изимизга милиция тушганини билиб Тожикистонга жўнадик. У ерда бизни Жума Намангоний билан учраштиришди. Улар бизга кейинчалик Узбекистонда қурол кучи билан диний давлат ўрнатиш мақсадида хизмат қилиш учун ўқитишди. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб енгил, оғир қуроллар ва портловчи моддаларни тайёрлашу ишлатишни ўргатишдан иборат эди.

Жума Намангонийнинг буйруғи билан биз бир гуруҳ жангарилар портловчи моддалар, детанаторлар, автомат ва бошқа қуроллар билан Қирғизистон орқали Ўзбекистонга жўнадик. Бироқ Ўшда қўлга тушиб қолдик. Орамиздан фақат бир кишигина қочиб қолди. Кейин маълум бўлишича у ўзи билан олиб қочган детанатор билан Мустақиллик майдонида портлатишлар қилинган экан.

Худди шундай. Террорчилар гарчи ўзларини дин ҳимоячилари деб атаётган бўлишса ҳам аслида ҳар қандай жиноятлардан жирканмайдиган ўғри-каззоблар эканлар. Суд жараёнида шу нарса маълум бўлдики, гуруҳ пешволари Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев ва уларнинг ҳамтовоқлари учун мусулмонларнинг ҳайрли мақсад йўлида йиққан жамғармаларини тортиб олиш ҳам одат тусига кирган. Улар бу йўлда бегуноҳ мўминларнинг қонини тўкиш, қийнаш, ўлдириш ва талашдан ҳам тоймаганлар.

Раҳнамоларнинг топшириғига биноан Қозим Зокиров бошчилигидаги қуролланган гуруҳнинг аъзолари 1997 йилнинг январида андижонлик Бурҳониддин Ҳакимов хонадонига бостириб кириб, уй эгаси ва рафиқасини қаттиқ калтаклайди. Отиб ташлаш билан қўрқитиб уларнинг кўп йиллар орзу қилган Умра сафари учун йиққан пулларини, қимматбаҳо буюмларини олиб чиқиб кетади.

Худди шу гуруҳнинг саккиз нафар аъзоси Малика Холматованинг уйига ҳам босқинчилиқ қилади. Жиноятчилар аёл ва унинг эрини ваҳшийларча калтаклаб, оғир қийноқларга солади. Қайнона-қайнотасини Умрага жўнатиш учун тўплаган маблағини топиб олиб, қурол-яроқ сотиб олишга, демакки яна қон тўкишга сарфлайди.

Ана шунақа жирканч йўллар билан қўлга киритилган маблағларни эса «Байтул мол» деб аталувчи жамғарма орқали Тоҳир Йўлдошевга етказиб турган жиноятчилар 1996-1997 йилларда Наманган ва Андижон вилоятларида ўнлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган. Чунончи, улар 1997 йилнинг декабрь ойида Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими Боқижон Убайдуллаевни ўлдириб, бошини танасидан жудо этган. Умуман, Наманган вилоятида Тоҳир Йўлдош ва унинг тарафдорлари тузган жиноий гуруҳ томонидан 17 та босқинчилик ва қотиллик жиноятлари содир этилган.

Жиноятчилар 1997 йилнинг март ойида Андижон шаҳрида милиция ходими Одил Ризаевнинг уйига бостириб кириб, унинг ўзини, онаси, хотини ва икки ўғлини ваҳшийларча ўлдиришган. Андижон вилоятида жами бўлиб 17 оилага нисбатан босқинчилик жиноятини содир этган.

**Мурод КАЛОНХОНОВ,**
**«Адолат» мухбири.**

*• Дил изҳори*

## БОШИМНИ ЭГМА

*(Ўғилларимга)*

**Ўғлим отанг юзини мудом ерга қаратма!**
**Эзиб юрак-бағрини – тирик ҳайкал яратма!**
**Ёмон йўлдан юрмагил, охирида бордир ғор,**
**На эшик туйнуги бор, чиқолмай бўларсан хор,**
**Ортга қайтишинг маҳол, мадоринг етмас сира,**
**Дўстлардан айриларсан, сени эсламас зинҳор.**
**Олий неъмат қуёшинг нурларидан айрилиб,**
**Сасиб, чириб танангдан қўланса хид таратма.**
**Онангнинг оқ сутини оқлагил меҳнат ила,**
**Куч ёғилган жисмингни беҳудага қонатма.**
**Яхшиликни беодобдан кўриб билгин деганлар,**
**Тоҳир, Жума ёнида эс-ҳушини еганлар,**
**На отани танийди, на она, қариндошни,**
**Туғилиб, ўсган юртга ўқлади у наганлар.**
**Ватаннинг байроғини баланд кўтар бошингда,**
**Халқнинг хизматида бўл, хоҳ эрталаб, чошинда.**
**Карвон борар узоққа, сарбони ҳам улуғдир,**
**Юрт меҳри ёниб турсин сенинг ҳар қароғингда.**

**Мўминжон НИШОНОВ,**
**Поп тумани, Резак қишлоғи.**

## ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

***Яқинда касб-ҳунар мактабимизда «Огоҳлик – давр талаби» чақириғи асосида катта тадбир ўтказилди. Тадбирни туман ҳокими ўринбосари К. Худойназаров кириш сўзи билан очди.***

Сўзга чиққан туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари А. Эшонбоев Республикамизда содир этилган террористик ҳаракатлар ҳақида барчага чуқур тушунча берди. Шундан сўнг миллий хавфсизлик хизмати вакили, туман прокурори ёрдамчиси А. Юсуповлар сўз олиб, ғаламис террорчиларнинг мақсадлари, уларга қарши кураш юзасидан олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирдилар.

Талабалардан З. Қуранов, ишлаб чиқариш таълими устаси Ф. Ҳакимовлар сўзга чиқиб, дин ниқобида террорчилик ҳаракати билан шуғулланиб юрган ватанфуруш нонкўрлар ўз мақсадларига ета олмайдилар, уларга фақат ўлим, Ўзбекистонни ҳеч кимга бермаймиз, ўз уйимизни, ўқув юртимизни, Ватанимизни, Президентимизни ўзимиз асраймиз дея қасамёд қилдилар.

Тадбир иштирокчилари алоҳида қарор қабул қилдилар.

**С. НАЖМИТДИНОВ,**
**Тўрақўрғон туманидаги 11-касб-ҳунар мактаби директори.**

## ДОНИШМАНДЛАР ЖИНОЯТЛАР ХУСУСИДА

• Фирибгарлар бошқаларни ҳам ўзларига ўхшаш деб ўйлашга мойилдирлар.

**Ж. ЛАБРЮЙЕР.**

• Ўз аблаҳлигини оқлашга бирон-бир баҳона тополмайдиган муттаҳамнинг ўзи йўқ.

**К. КЕРНЕР.**

• Жиноятга баҳона бўлса бас.

**АРАСТУ**

• Жиноятдан кўра жиноятнинг ярамас оқибатлари узоқ яшайди ва шаҳид кетганларнинг арвоҳига ўхшаб ҳамиша қотилнинг изидан қувгани қувган.

**В. СКОТТ.**

• Қонунга риоя қилмайдиган одамдек ёвуз маҳлуқ йўқ.

**Ж. САВОНАРОЛ.**

• Ёвуз жиноятлар ёвуз оқибатларга олиб боради.

**А. ГЕРЦЕН.**

• Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантирган бўлади.

**СЕНЕКА.**

## ПОЙТУҒ ВОҚЕАСИ

*ТАФСИЛОТ ВА ТАҲЛИЛ*

***22 августдан 23 августга ўтар кечаси Избоскан туманида содир этилган воқеа қалбларни ларзага солди. Бур гуруҳ террорчи-экстремистик кучларни зарарсизлантириш ҳаракати кўпчилик газетхонларимиз онгида турлича фикр уйғотди. Хўш, ўша тун воқеаси қандай юзага келди? Унинг сабаблари нималардан иборат? Мухбиримизнинг Андижон вилояти Ички ишлар Бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция полковниги Мадаминжон Шамшитдинов билан суҳбати шу мавзуда.***

**– Мадаминжон ака, «Пойтуғ воқеаси» номи билан тарих саҳифаларидан жой олган ўша воқеа тафсилотига тўхталиб ўтсангиз. Зеро ўша воқеа фуқаролар дунёқарашида турли шаклда ўз ифодасини топмоқда. Аслидачи? Аслида нима бўлган эди?**

– Юртимиз аҳолиси учун «Ваҳҳобийлик», «Хизбут-таҳрир» каби атамалар бугунги кунда яхши маълум. Вилоятимизда фаолияти таъқиқланган норасмий уюшма ҳисобланмиш «Хизбут-таҳрир», «Ваҳҳобийлик» ва бошқа оқимларга мансуб фуқароларни жуда оз бўлсада, бироқ учратиш мумкин. Лекин террористик кайфиятдаги турли диний экстремистик оқимлар аъзолари мақсадларига эриша олмаслиги, халқимиз тинчлигига раҳна сола олмаслиги «Пойтуғ воқеаси»да ҳам ўз исботини топди.

Ўшанда, яъни 22 август куни Избоскан туман ички ишлар бўлимига Пойтуғ шаҳридаги хонадонлардан бирига паранжи ёпинган аёллар кириб-чиқаётганлиги тўғрисида хабар келди. Маълумот олингач, яъни тунги соат 23.00 ларда туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори К. Бўстонов раҳбарлигида етти нафар ходимлардан иборат гуруҳ шаҳардаги «Дўстлик» кўчасида текширув ўтказа бошлайди.

Ҳовлидан чиқиб келган икки паранжили аёллар туман ИИБ қўриқлаш бўлинмаси милиционери, милиция сержанти Одилжон Отақуловга дуч келганларида милиционер улардан бемаҳалда нима қилиб юрганлиги ҳақида сўрайди. Паранжида эса аёллар эмас эркаклар бўлиб, улар милиционерга ташлана бошлайдилар. Гуруҳ аъзолари ўзаро муштлашув жойига етиб келгунларига қадар улар хонадон ичкарисига яшириниб улгурадилар. Уларнинг уч нафари олди, бир нафари орқа эшикдан қочмоқчи бўлганларида гуруҳ томонидан қўлга олиниб, туман ИИБга олиб келинди. Қолганлари эса эшикни беркитиб олиб, ўқ отар қуроллардан ўқ узишиб, милиционерларга тажовуз қилишни бошлаб юбордилар. Тезкор гуруҳ аъзолари уйни қуршаб олишди. Избоскан туман ИИБ ходимлари, милиция лейтенанти Ботир Ҳамидов билан милиция старшинаси Файзулло Каримқуловлар хонадоннинг жойланиши, у ердаги фуқароларни жуда қисқа вақт ичида зукко ва зийраклик билан ўрганишиб, улар жаъми ўнга яқин эканлигини, қурол-аслаҳаси мавжудлиги, энг муҳими барчаси эркак кишилар эканлиги, бир аёл ва икки бола ҳам улар қаторидалиги тўғрисида ахборот бердилар.

Туман ички ишлар бўлими ва вилоят Ички Ишлар Бошқармаси раҳбарияти зудлик билан воқеа жойига етиб келдилар. Қўлга олиш гуруҳи ишлаб чиқилган режа ва раҳбариятнинг кўрсатмасига биноан шу атрофда яшаётган аҳолини хавфсиз жойга кўчириш, террорчилар жойлашиб олган хонадонни халқалар билан қуршаш ишларини ташкил этдилар. 23 августга ўтар кечаси, аниқроғи 01.10 дан 04.30 гача вилоят Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар Бошқармаси раҳбарияти террорчилар билан таслим бўлиш, қуролларни ташлаш тўғрисида музокаралар олиб борди. Бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Д. С. Оқмирзаев бир неча бор яккама-якка сўзлашиш учун музокарага чақирди. Унга жавобан бир неча ўқ узилгач эса террорчилардан Ғулом ва Ниёз Мирзаевларнинг отаси ўз фарзандларини инсофга чақиришга уринди. Ўз фарзандларидан рад жавобини олган ота ҳеч бўлмаса икки норасида набираларини қайтаришларини сўраб илтимос қилади. Бироқ, «Фарзандларимни сен кофирнинг қўлига бериб қўймайман», дея ўз отасига ўқ узган фарзандни инсофга чақириб бўлмаслигини юракдан ҳис этган ота ортига чекинишга мажбур бўлади. Ва ниҳоят жанговар гуруҳ ходимлари ҳужумга ўтдилар.

Тонготарда саккиз нафар террорчилар жойлашган хонадон ишғол қилиниб, тозалаш ишларига якун ясалди. Террорчилар орасида бўлган бир аёл ва икки бола қутқарилди.

**– Мадаминжон ака, сиз 25 йилдан буён ички ишлар тизимида хизмат қилган, Ўш, Фарғона, Андижон воқеаларини ўз кўзи билан кўрган, унга қарши курашишда бевосита иштирок этган мутахассис сифатида «Пойтуғ воқеаси» таҳлилига тўхталиб ўтсангиз. Унда асосан нималарга эришилди-ю, нималар бой берилди?**

– Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, «Пойтуғ воқеаси» саросимали, таҳликали, янада даҳшатлироқ бўлиши мумкин эди. Чунки, аҳоли зич жойлашган ҳудудда, маҳалланинг қоқ ўртасида террорчилар гуруҳи билан жанг олиб борилиши қисман кутилмаган воқеадир. Қолаверса, террорчиларнинг сони, қуролланиш даражаси ҳақида аниқ маълумотга эга эмас эдик. Бироқ раҳбар ва ходимларимизнинг шу сингари ўқув машқларидаги, амалий тадбирларни ўтказишдаги тажрибаси, маҳорати ҳамма нарсадан устун келди. Биз халқ осойишталигига, тинчлигига раҳна солмоқчи бўлган, жамият тузумини амалдаги Конституцион қонунларга зид равишда тўнтариш, ҳокимиятни эгаллаб олиш, «Халифалик» ислом давлати қуриш истагида бўлган нопок кимсалар мақсадига ғов қўйдик. Аҳоли ўртасида юртбузғунчиликка, ватанфурушликка қарши жазо муқаррарлигини кўрсата билдик. Аммо, бой берганимиз садоқатли дўстимиз, милиция полковниги Баҳодир Ҳошимовнинг шаҳид кетиши бўлди.

**– Ўз-ўзидан савол туғилади: хонадонга яшириниб олган кимсаларнинг мақсадлари, сони, қуролланиши тахминий бўлса-да, ҳар қалай маълум эди. Энг муҳими, улар ўз юртини сотишга ҳозир-у нозир манқуртлардир. Шундай экан нима учун уларга қарши ҳужум очилгунига қадар орадан соатлаб вақт ўтиб кетди?**

– Бу ҳақда юқорида таъкидлаганимиздек, қарийб уч соат музокара олиб борилди. Бундан асосий мақсад биринчидан, атрофдаги аҳолини хавфсиз жойга кўчириб улгуриш, иккинчидан хонадондаги аёл ва икки болани эсон-омон қутқариб қолиш, учинчидан мумкин қадар шахсий таркиб, аҳоли ўртасида талофатга йўл қўймаслик, тўртинчидан эса террорчиларни иложи борича тириклайин қўлга олиш эди. Тўртала мақсадни амалга ошириш учун зулмат ўзининг бир мунча таъсирини ўтказиши мумкин эди.

**– Бироқ, жангда шароит танлаш ўринлимикин?**

– Албатта йўқ. Лекин таваккал қилиб ҳам бўлмайди. Аниқ, пухта ҳаракат лозим. Шу билан бирга имкониятдан унумли фойдалана билиш ҳам керак. «Пойтуғ воқеаси» айтиш жоиз-ки, маҳорат, аниқ режа, пухта билим, тажриба майдони бўлди.

**– Дарҳақиқат, маҳорат ҳақида. Ходимлар маҳорати менимча, биринчи галдаги ютуқлар гарови бўлса керак.**

– Албатта. Тасаввур қилинг, ўқлар аёвсиз визилламоқда. Вазият тобора танглашмоқда. Ҳар қандай киши ҳам бундай вақтда бироз саросимага тушиши табиий. Мен ғурур билан айтаман-ки, Андижон милициясида аксарият халқ эрки, Ватан муҳаббати, тинчлиги, осойишталиги йўлида жонини қурбон қилишга ҳам тайёр, касбига, юртига, элига садоқатли ходимлар хизмат қилишади. Уларнинг бой тажрибалари, касб маҳоратлари туфайли «Пойтуғ воқеаси»да 8 нафар террорчилар томонидан содир этилган таҳдида барҳам берилиб, қонун йўлида жисмонан йўқ қилиндилар. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Л. Ш. Ботиров, коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимларидан К. Мирзакаримов, С. Мирзаев, жиноят қидирув бошқармасидан М. С. Нишонов, А. Хотамов, жанговар харакатдаги бўлинмадан Ш. У. Зохидов, Л. К. Юлдашев, П. Э. Нишонов, М. А. Абдуқаҳҳоров, В. Юлдашев, Ф. Ш. Қўлдошев, Ю. Ю. Хожихўжаев, «Қўриқлаш» хизматидан О. Отақулов ва марҳум Б. Хошимов каби зобит ва милиционерларимиз дўлдек ёғаётган ўқлар остида ҳам ўз маҳоратларини ишга сола билмаганларида, кўксини-да қалқон қилиб, мард ва жасурлик кўрсата олмаганларида террорчилар жойлашган хонадонни ишғол қилиш-у тозалаш амри маҳол эди. Уларнинг ҳар бир ҳаракати қаҳрамонлик белгисидир.

Қолаверса, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Д. Оқмирзаевнинг бевосита иштироки, бошқаруви ҳам ходимларга руҳан мадад берди. Ҳар бир ходимнинг зирҳли камзул ва бошқа ҳимоя воситаларини обдон кўздан кечириб, хавфсизлик воситалари билан таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида уларнинг ҳар бирини қаттиқ назорат қилиб, «ўғилларим, иним, барчангизни Яратганнинг ўзи асрасин», дея юзланиб, аниқ йўриқ ва кўрсатмалар бериб, улар билан ёнма-ён қадам ташлаб, жонини эмас мақсадни ўйлаб майдонга чиқиб боришнинг ўзи ходимлар учун катта ибрат эди.

«Пойтуғ воқеаси»да аввало раҳбарлик, бошқарув, қолаверса, ходимлар маҳорати ҳал этди ҳамма нарсани. Кўп йиллик тажрибам ва кўрганларимга суянган ҳолда яна шуни айтишим мумкинки, бошқарувдаги озгина камчилик ёки сусткашлик айнан мана шундай вазиятда катта маънавий ва моддий йўқотиш, кўплаб бегуноҳ инсонларнинг ёстиғи қуришига сабаб бўлиши мумкин эди. Кези келганда айтиш лозим-ки, ушбу воқеа террорчилар кутмаган вазиятда юзага келди. Бу жанг уларнинг режасида кейинроқ, пухта тайёргарликдан сўнг, бундан-да ваҳшийроқ юзага келиши зарур эди. Ички ишлар ходимларининг ўз вақтида моҳирона иш юрита билишлари натижасида содир этилиши мумкин бўлган каттароқ талофатнинг олди олинди. Бу ҳам ходимларимизнинг фаол ҳаракати, вазиятдан бохабар бўлиб бориши юзасидан олиб борган ишларининг натижаси, юқори малакаси, касб-маҳорати намунасидир. Албатта шу сингари ёмон ниятли шахслар қандай пайдо бўлиб қолишидан қатъий назар шу куннинг ўзида аниқланиши зарурлиги бугунги кун талабидир.

**– Аҳолининг ушбу воқеага муносабати ҳақида фикрларингизни билдирсангиз.**

– Биз ушбу воқеадан сўнг вилоятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли билан учрашдик, суҳбатлар уюштирдик. Ана шу учрашувлар давомида шу нарсага амин бўлдик-ки, аҳолининг ички ишлар ходимларига муносабати, ишончи тобора ортмоқда. Айниқса, «Пойтуғ воқеаси»дан сўнг бу ишонч янада мустаҳкамланди. Аввалари аҳоли ўз дилидаги, тилидаги фикрини очиқ-ойдин билдирмас эди. Ҳатто кўплаб учрашувларимиз расмиятчиликдан нарига ўтмасди. Бугун бўлса улардан қўрқув, шубҳа чекинди. Ким билан учрашмайлик, ёниб-куйиб экстремистларга, уларнинг ҳаттиҳаракатига ўз нафратларини дадил билдиришади. Ўз маслаҳатлари, мулоҳазалари билан таклиф киритишади. Ҳамиша биз билан ҳамнафас эканликларини изҳор этишади. Бу ҳам ишонч мевасидир. Қачонки, ўртада ишонч, самимият бўлса, шундагина дилдаги фикр тилга кўчади. «Пойтуғ воқеаси» ҳақида вилоятимиз аҳолисининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, шунга амин бўлдим.

**— Мадаминжон ака, ҳартугил Андижон милицияси «Пойтуғ воқеаси»да ўзига хос имтиҳонни ўтабгина қолмай халқимиз, юртимиз тинчлиги йўлида жуда катта из қолдирди. Осойишталик пойдеворига мустаҳкам ғишт қўя билдилар. Энг муҳими ҳам мана шу! Бундан кейин ҳам Ўзбекистонимиз тупроғини оёқ ости қилмоқчи бўлган ёвлар қақшатқич зарбага дучор бўлишига, юртимиз, халқимиз тинчлиги ишончли қўлларда эканлигига умид боғлаган ҳолда суҳбатимизга якун ясасак.**

Суҳбатни Дилмурод КЕНЖАЕВ ёзиб олди.

Ўзбекистон шаҳарлари

# ГУЛИСТОН ГУЛИСТОНГА АЙЛАНМОҚДА

***Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўзининг Сирдарё вилоятига қилган ташрифларининг бирида «Кечаги Гулистон билан бугунги Гулистоннинг ер билан осмонча фарқи бор» деб гулистонликлар шаънига илиқ гаплар айтгани ҳамон қўлоқларимиз остида жаранглайди.***

***Дарҳақиқат, кейинги йилларда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда миллий шарқона услубларда пардозланиб бунёд этилган биноларни, кенг ва текис кўчаларни кўрган киши ҳайратини яшира олмайди. Айниқса, тунги Гулистонда бир сайр қилинг-а! Ёритгичлар шаҳарга ўзгача латофат ва тароват бағишлайди, бахри дилингиз очилади, қалбингиз нурга тўлади, руҳингиз енгил тортади. Холис ниятли кишиларнинг эътирофига қулоқ тутсангиз, ҳатто чет элликлар ҳам бу ердаги ўзгариш ва тез суръатлардаги ривожланишни кўриб яхши таассуротлар билан қайтишган.***

Келинг, шаҳардаги халқ хўжалиги иқтисодий ривожланишининг 2000 йил январь-сентябрь ҳолатини талқин этайлик. Шаҳарда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 174,9 фоизга ўсган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 174,4 фоизга ортган. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 165,1 фоизга, жами чакана товар муомаласи эса 158,7 фоизга ошган. Тўққиз ойда шаҳар бўйича йигирма еттита объектда 302,1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 39 та мактаб ва болалар боғчаларини таъмирлаш ишларига 30 миллион сўмдан кўп маблағ ажратилди. Шаҳарда бирорта зарар кўриб ишлайдиган корхона қолмади. Солиқлар бўйича тушумлар 162,1 фоизни ташкил этди.

Шаҳарнинг ободлиги ва кўркамлиги, халқ фаровонлигини акс эттирадиган омиллардан бири бозорлардир. Шаҳар ҳокимияти Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги «Бозорлар фаолияти ва уларни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шаҳар ҳудудидаги бозорлар фаолияти махсус комиссия томонидан чуқур ўрганиб чиқилди. Ваколатли комиссия хулосасига кўра учинчи мавзедаги ёйма бозор ушбу қарор талабларига умуман жавоб бермаслиги қайд этилди. Бозорда озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш учун шарт-шароит бўлмаган. Павильонлар, расталарнинг етишмаслиги туфайли маҳсулотлар ерларда сотиларди. Санитария ва гигиена, ёнғин хавфсизлиги талаблари қўпол равишда бузиларди. Сўнгги бир йилда бозор ҳудудига кирувчи йўлларда уч марта йўл транспорти ҳодисаси содир этилиши оқибатида 2 та фуқаро тан жароҳати олган, биттаси эса ҳаётдан бевақт кўз юмган. Шундан келиб чиқиб, учинчи мавзедаги бозор иш фаолияти тўхталиб, шундоққина ёнидаги тўртинчи мавзеда ҳар томонлама қулай бозор мажмуаси жуда тез фурсатларда қуриб фойдаланишга топширилди. Бозор замонавий усулда қурилган, сотувчи ва харидорларга барча шарт-шароитлар мавжуд. У ерда савдо қилаётган тадбиркорлар яратиб берилган шароитдан жуда мумнун. Шаҳар раҳбарларига, бозор қурилишида қатнашган бунёдкорларга ўз миннатдорчилигини билдиришмоқда. Айниқса, йигирма тўрт минг аҳоли истиқомат қилаётган тўртинчи мавзе аҳолисининг қувончлари чексиз. Ундан ташқари бозор ҳудудида қиймати 33 миллион сўмлик 22 та дўкон қурилди. Бозор қурилиши шарофати билан шу мавзе кўчалари асфальтланди. Гулистон деҳқон бозорида эса 250 ўринли барчага қулай савдо павильони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган Олим Хўжаев номидаги драма театри атрофлари ободонлаштирилди. Эски ва хароб бинолар бузилиб, унинг ўрнига замонавий услубда янги иншоотлар қурилди. Театр биноси рўпарасига панно ўрнатилди. Бугун бу зиё масканига ташриф буюрган томошабину меҳмонлар бундай ўзгаришларни кўриб кўнгиллари тоғдек кўтарилмоқда.

Соғлом авлод ойлида соғлиқни сақлаш ишларига эътибор янада кучайтирилган. Шаҳар марказий касалхонаси ва болалар поликлиникаси биноларини таъмирлаш учун йигирма миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. «Дўстлик» қўрғони-даги поликлиника биноси таъмирланди.

Навоий кўчасида шу йилнинг ўзида хусусий тадбиркорлар томонидан савдо расталари қурилди. Ундан ташқари ўнлаб кўчалар сифатли таъмирланди, асфальт ётқизилди.

Энг қувончлиси шаҳар ўйингоҳини қайта таъмирлаш ишлари авжи паллада. Бу иш насиб этса шу йилнинг охиригача амалга оширилади. Қирқ миллион сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган ўйингоҳ мамлакатимиздаги энг чиройли ўйингоҳлар қаторидан ўрин олади.

Бундан ташқари Навоий шоҳ кўчасидаги меҳмонхона мажмуасида ёзги чўмилиш хавзаси ва Мустақиллик кўчасида ёпиқ ҳолдаги сув хавзаси қуриб ишга туширилган. Қишин-ёзин сузишга иштиёқмандлар бу қулайликлардан баҳраманд бўлишаётир.

Ёшлар камолоти, бахту саодатини ўйлаш барчанинг муқаддас бурчидир. Халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш ташаббускори Президентимизнинг эътибори билан бу соҳада ҳам катта ўзгаришлар бўлаётир. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингани ҳам айни муддао бўлди. Ҳар томонлама зукко, билим чўққиларини эгаллаган, маърифатли ва маънавиятли ёшларни камол топтириш учун бутун диққат-эътибор билан ҳаракат қилинаётир.

Кейинги уч йилда шаҳарда мактабгача таълим муассасалари сони йигирматага етди. Таълимни ривожлантириш мақсадида 9-сонли болалар боғчаси «Боғча-мактаб» мажмуасига айлантирилди. Бир қанча ўқув бинолари янги замонавий, барча талабларга жавоб берадиган ҳолда таъмирланди. Шаҳар мактабларида ишлаётган 700 дан зиёд ўқитувчиларнинг деярли барчаси олий маълумотли. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг янги усуллари устида иш олиб борилаётир. 6-, 11-мактаб ўқувчилари билимларини баҳолашнинг янги рейтинг усули устида синов ишлари олиб борилаётир. Кўпгина мактабларда фанлардан махсус ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган. Шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан барча таълим-тарбия муассасаларига ҳомий ташкилот ва корхоналар бириктирилган. Сўнгги уч йилда ҳомий ташкилотлар томонидан 77 миллион сўмлик ишлар амалга оширилган. Фарзандлари келажагини ўйлаган, моддий имкони бор ота-оналар эса ўн саккиз миллион сўмдан кўпроқ ёрдам кўрсатдилар.

Ҳозирги пайтда шаҳар мактабларининг 82 фоизи компьютер билан таъминланган. Шу билан бирга тўртта ўрта мактабда энг замонавий компьютерлар мавжуд. Ҳар бир мактабнинг ўз ҳисоб рақами очилган. Айниқса, шаҳар ҳокимиятининг ғамхўрлиги туфайли кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул дарсликлар билан таъминланаётир.

Тиббиёт билим юрти тубдан қайта таъмирланди. Билим юрти моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида олти миллион сўмлик ўқув техника жиҳозлари келтирилди. Келгуси йили Жаҳон банки орқали 278 минг АҚШ долларига ўқув техника жиҳозлари келтирилиши кўзда тутилган. Яқин келажакда билим юрти тиббиёт коллежига айлантирилди.

Биргина қурилиш коллежини моддий-техника базасини ривожлантириш, ўқув биноси, ишлаб чиқариш устахонаси ва ётоқхонасини таъмирлашга, устахонани керакли ускуналар билан таъминлашга, синф хоналарини жиҳозлашга 51,9 миллион сўм маблағ сарфланди.

Энг қувончлиси, қисқа муддатда талабга тўлиқ жавоб берадиган, барча шароитга эга бўлган, 600 ўқувчига мўлжалланган ўқув биноси, 300 ўринли ётоқхонани қуриш ва жиҳозлаш учун 629 миллион 319 минг сўм маблағ сарфланиб академик лицей қурилиб ишга туширилди.

Шаҳарда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, ишбилармонларга шароит яратиб бериш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилаётир. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тадбиркорларга кредитлар олишга амалий ёрдам беришга катта эътибор қаратилган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тадбиркорларга 122 миллион 937 минг сўм кредит берилди. Масалан, «Жамол» хусусий фирмаси олган кредитлардан унумли фойдаланиб қисқа вақтда юк аравачалари, стол-стуллар, қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришди. Айниқса, тадбиркорларга савдо дўкони ва маиший хизмат шохобчалари қуриш учун шаҳар ҳокимияти қулай жойлар ажратиб бераётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Ахборот ва маслаҳат маркази ташкил этилиб, тадбиркорларимиз учун барча қулайликлар яратилди, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар тадбиркорлар палатаси раиси П. Зармасов. — Тўққизта ўқув маркази ҳам ишлаб турибди. Бу марказларда ёшлар турли касб-ҳунарларни ўрганишмоқда. Палата қошида бизнес клуби ташкил этилди. Бу ерда тадбиркорларнинг долзарб муаммолари ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Яқинда тадбиркорлар учун мини технологиялар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада турли хил шартномалар имзоланди. Консерва заводи қошида шакар ўрнини босувчи асалин маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Кир ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган технология ҳам яқин кунларда ишлай бошлайди.

Қайси жойда муўтадил ривожланиш, тадбиркору ишбилармонлар учун шароит яхши бўлса ўша жойга чет эллик сармоядорларнинг ҳам қизиқиши кучаяверади. Гулистон шаҳрида ҳозирги кунда 14 та қўшма ва чет эл сармоялари, ускуналарини жалб қилган ҳолда фаолият кўрсатаётган корхоналар мавжуд. Масалан, Чехия давлатининг «Легево» ҳиссадорлик жамияти ва «Узфармсаноат» корпорацияси билан ҳамкорликда ташкил этган «Легево-фармсаноат» қўшма корхонасида шу йилнинг ўзида 420 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқарилди. Туркманистонга 130 минг АҚШ доллари, Тожикистонга эса 100 минг АҚШ доллари қийматидаги дори-дармон экспорт қилинди ва ҳакозо.

Россиянинг Рязан шаҳридаги автомобилларга газ баллонлари ишлаб чиқарувчи завод билан Гулистон таъмирлаш механика заводи ҳамкорлигида ташкил топган қўшма корхона мана олти йилдирки муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида 1 миллион 166 минг сўмлик иш бажарилди.

Биз Гулистондаги шу қадар ижобий ишларни амалга оширишда бевосита бош-қош бўлган, сўзи билан иши ҳамоҳанг, донгдор қурувчи, янгиликка интилувчи тадбиркор раҳбар, шаҳар ҳокими Қосимхон Акбаров ҳузуридамиз. У амалга оширган ва яхши ният билан режалаштирган ишлар хусусида мароқ билан сўзлайди.

— Гулистонликлар Ўзбекистонимиз шуҳрати, кундик қони тўкилган шаҳрининг шаъни учун астойдил меҳнат қиладиган халқ, - деб сўзлайди шаҳар ҳокими. — Бундайлар билан ишлаб чарчамайсан киши. Кўпчилик қувончига шерик, ташвишига ҳамдард бўлишни муқаддас бурчим деб биламан. Айниқса, шаҳар ободончилиги ва тозалигига бундан буён ҳам эътиборни кучайтираверамиз. Раҳматли падари бузрукворим (илоҳо жойлари жаннатда бўлсин!) Асқар Акбарий ижодкор шоир эди. Бундан чорак аср аввал ёзган ушбу мисраларга эътибор беринг-а!

***Дўстларим бир бор келиб, чўлда баҳоримни кўринг,***
***Чўл эмасдир, яшнаган боғу диёримни кўринг.***
***Мирзачўл деб ном олган, Гулистондир маконим,***
***Саҳни жаннатга қиёсу, гулизоримни кўринг.***

Қосимхон ака бир дақиқа тин олади...

Ҳа, кимники қалби меҳнат билан ҳамнафас экан, у доимо эл назарида юраверади. Гулистондан қайтар эканман, шаҳар «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси Муҳиддин ака Нўъмоновнинг шу сўзлари ёдга тушди: карвон ўтар, изи қолар, — дейдилар. Раҳбарлик мартабаларининг аччиқ-чучугини тотиб кўрган, диёнатли, адолатни ҳимоя қила оладиган, ўзи эмас ўзгалар яхши яшаса қувонадиганлардан бири Қосимхон Акбаров ҳақида ҳар қанча ёзсангиз арзийди. У киши маҳалла нуфузини кўтариш учун ҳам астойдил хизмат қилаётир. Минглаб нуронийларнинг дуосини олаётир. Ишончимиз комилки, ҳали жуда кўп савобли ишлар рўёбга чиқади.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Адолат»нинг махсус мухбири.**

---

***Мисрнинг Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасида ҳамда жамғарманинг Марказий Осиё давлатлари, айниқса, унинг пешқадами Ўзбекистон билан амалий алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон банклари ходимларининг ўқув-тажриба алмашиш машғулотларини уюштирган эди.***

Уч мамлакатдан 30 га яқин банк ходими иштирок этган ўн кунлик бу машғулотлар Тошкентдаги Банк минтақавий ўқув марказида якунига етди.

## ХАЛҚАРО ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бу давр ичида тингловчилар Миср-Америка банкининг ижрочи раиси Абу Бакр Ҳошим Абу Ан-Нил, Экспортни ривожлантириш Миср банкининг бош раиси муовини Мухтор Муҳаммад Ал-Гамал, Миср банк-молия институти директори Шавқий Фаражнинг маърузаларини тингладилар, уларнинг амалий тажрибаларидан баҳраманд бўлдилар.

Куни-кеча Тошкентдаги Банк минтақавий ўқув маркази биносида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон банклари ходимларидан иборат тингловчиларга ўқув машғулотларини муваффақиятли битирганликлари ҳақидаги халқаро гувоҳномаларни топшириш тантаналари бўлиб ўтди. Миср-нинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, доктор Мамдуҳ Шавқий, Миср банк-молия институти директори, доктор Шавқий Фараж, Тошкент Банк минтақавий ўқув маркази Бош директори Маннон Алиев гувоҳномаларни тингловчиларга топширар экан уларнинг келгусидаги фаолиятларида улкан зафарлар тилади. Ўз навбатида тингловчилар машғулотларни юқори савияда уюштиргани учун Миср-нинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Миср-нинг МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси, Тошкент Банк минтақавий ўқув юрти масъулларига чексиз миннатдорчилик изҳор этдилар, ўз юртлари ва Миср ўртасидаги алоқаларга ривож тиладилар.

**Жаҳонгир ТОШЕВ.**

---

Акс-садо

# МЕҲРЖОН «ҲИРМОН КЎТАРДИ» БАЙРАМИ

***Билол Аминовнинг «Наврўз ва Меҳржон — заминнинг икки кўзи» сарлавҳали мақоласидаги фикр, мулоҳазалар ва таклифларга тўла қўшилган ҳолда, бу борада ўзимизнинг баъзибир фикрларимизни айтишни лозим топдик.***

Қадим-қадимдан Меҳржон кузнинг охирги «ҳирмон кўтарди» байрами бўлиб келган. Бу — йил бўйи қилинган машаққати меҳнатнинг хордиғини чиқаришга бағишланган байрам. Йил бўйи бажарилган меҳнатни улуғловчи байрам. Меҳржон она ер берган ҳосилни тарифловчи байрам.

Бу байрамга бағишлаб катта қишлоқларда, туманларда, вилоят ва шаҳарларнинг майдонларида улоқлар, курашлар, турли кўргазмалар, халқ сайллари ташкил қилинган. Махсус ажратилган майдонларда дорлар тикилиб, дорвозу қизиқчилар, полвонлар ўз маҳоратларини кўрсатганлар. Болалар учун кўчма қўғирчоқ театрлари ташриф буюришган.

Байрам жойларида озиқ-овқат, мева-сабавот, кийим-кечак расталари пайдо бўлган. Қовун сайллари ўтказилган.

Меҳржон байрамида отлов бозорлари, айниқса, гавжум бўлган. Тўй маросимлари Меҳржон байрамидан сўнг авж олган.

Демак, Меҳржон байрами халқнинг, ҳамма ҳаётий жабҳаларига ўз ижобий таъсирини ўтказган. Туркий халқларнинг энг севимли, хурсандчилик ва дам олишга бағишланган байрами бўлиб келган. Шунинг учун ҳам улуғ алломалар Абу Райҳон Беруний Меҳржон байрамини тарозини икки палласидек тарзда баҳолаган.

Шулардан келиб чиқиб, Меҳржон байрами халқ байрами қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Инқилоб АҲРОРОВ,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

---

# САВОБ ИШГА ҚЎЛ УРИБСИЗ!

***«Адолат» газетасининг шу йил 27 октябрь сонида чоп этилган «УЛУҒБЕК КАМОЛИ»НИ КИМ ЗАВОЛГА УЧРАТДИ? сарлавҳали мақолани ўқибоқ, қўлга қалам олдик. Савоб ишга қўл урибсизлар.***

Ҳа-да. Ахир Камолиддин Жамолов не-не машаққат билан қанча пул, асаб, меҳнат сарфлаб икки қаватли иморат қуриб, бутун бошли хизмат кўрсатиш марказини ишга туширса бир қаттиққўл раҳбар (Араббоев) уни ҳе йўқ, бе йўқ қақшатса. Бу нима дегани?! Яна бу ерда 28 киши иш билан банд бўлса, шу ердан бола-чақа боқса, йилига давлатга ўртача 4 миллион сўмдан солиқ тўлаётган 28 кишига ўртача ҳар ойда 280-300 минг сўмдан маош бериб турса буни кимга зарари тегди экан?

Президентимиз Ислом Каримов тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганидан қувониб шу йил 11 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда «Тадбиркорлик субъектлари сони 18 мингтага ошганлигини ва натижада 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилганлигини» мамнуният билан таъкидлаганлар. Бу – биз тадбиркорлар учун Президентимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши демакдир. Бинобарин, мақсадимиз Президентимиз сиёсатини амалга ошириб янгидан янги иш ўринлари ташкил этиш ва қанчалаб ишсиз юрганларни иш ва маош билан таъминлаш юртимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

Бироқ, бизнинг буюк мақсадларимизга Араббоев сингари турли йўллар билан тўғаноқ бўлаётганлардан, аввало давлатимиз раҳбари, қолаверса, Адлия вазирлиги ходимлари мустаҳкам қонунларимиз кучи билан ҳимоя қилмоқдалар. Биз бундан беҳад хурсандмиз.

Ҳурматли Камолиддин Жамолов! Бошингизга тушган ташвишни биз тадбиркор сифатида чин қалбдан ҳис этиб турибмиз. Афсусланманг! Юқорида таъкидлаганимиздек, энди бизнинг қонуний ҳуқуқларимизни, поймол этилаётган манфаатларимизни ҳимоя қилувчи Президентимиз бор. Адлия Вазирлигининг соғлом кучлари фаол ишламоқдалар. Ишонамизки, адолат қарор топади. Биз сиз кўрган барча ҳам моддий, ҳам маънавий зиёнларингизни ундириб олишингизга ишонамиз.

**А. ОЛИМЖОНОВ**
**Масъулияти чекланган кўп тармоқли «Юнидон» фирмаси директори ўринбосари.**
**Тошкент шаҳри.**

---

Осойишталигимиз посбонлари

# ЮРТНИНГ ТАЯНЧИ, ҚУВВАТИ, МАДОРИ

***Мустақил Ўзбекистонимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаётган милиция ходимларига бугун бу сифатлар жуда-жуда ярашмоқда***

***Биз ҳар куни ишга отланар эканмиз ён-атрофимизда яратиш, яшнатиш ишқи билан тўлиб-тошган, эртанги кун умидида гаштли меҳнат қучоғига ошиқаётган ҳамюртларимизни кўриб тинч ва осойишта ҳаётимизга шукроналар айлаймиз. Бироқ буни таъминлаётган, кечани-кечага, кундузни-кундузга улаб ўз хизмат вазифасини сидқидилдан адо этаётган милиция ходимларининг сермашаққат ишларини, керак бўлса Ватан учун, халқ учун жонини ҳам беришга шайлигини ҳар доим ҳам кўз олдимизга келтиравермаймиз. Бу соҳа фидойиларининг беқиёс меҳнатлари боис ҳозирги кунда милиция юртимизнинг таянчи, қуввати ва мадорига айланиб бормоқда. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармаси ходимларининг эл тинчлигини сақлаш, осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятлари билан танишар эканмиз беихтиёр ана шу фикрлар кўнглимиздан кечди.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 170-40 сонли «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ва Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармаси фаолиятида муҳим ўзгаришларни ясади. Жамоа ўз ишини мазкур қарор асосида ташкил этиб, жиноятчиликка қарши курашни тобора кучайтирмоқда.

– Ҳукуматимизнинг алоҳида эътибори туфайли ишлаб чиқилган концепция боис маҳаллалар билан ишлаш бир жойда марказлашди, – дейди Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Муҳаммаджон Деҳқонов биз билан суҳбатда. – Илгарилари 61 нафар участка инспектори фаолият кўрсатар, улар бор-йўғи 33 та иш кабинетига эга эди, холос. Концепция иш фаолиятимизни тубдан ўзгартиришга йўл очди. Концепция талабларидан келиб чиқиб бошқармамизда 123 та профилактика инспектори лавозими ва 43 та милиция таянч пункти ташкил этилди. Бу ўз навбатида милиция билан халқнинг янада яқинлашувига, тинчлик ва осойишталикни сақлашга яшил йўл очди. Ҳозир ҳар бир масала милиция таянч пунктларининг ўзида профилактика инспекторлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар комиссияси вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, ҳал этилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги 180-қарорига асосан маҳаллаларда ташкил этилган яраштириш комиссиялари, маҳалла сардорлари, маҳалла посбонлари эса кўпгина ишларда уларга мадад ва қувват бўлаяпти. Шу туфайли жойлардаги тартиббузарликлар чуқур таҳлил этилиб уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Оила ва турмуш доирасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлардан тортиб эр-хотин, ака-ука, қўни-қўшни ўртасидаги келишмовчиликларгача бу ерда кўриб чиқилаяпти.

Қолаверса, пост-патруль хизмати, йўл-патруль хизмати, профилактика инспекторлари, маҳалла сардорлари ва посбонларининг ўзаро ҳамкорлиги кенгайиб, ҳамжиҳатлиги тобора кучайяпти. Иш икки сменада, узлуксиз ташкил этилмоқда. Шу билан биргаликда маҳаллаларда жиноятчиликка қарши, жойларда содир бўлаётган воқеаларга доир, Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган учрашув ва мулоқотлар мунтазам ўтказиб борилаяпти. Самараси эса қувончли бўлмоқда: туманда жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 фоизга камайди.

Ирадж Эфтихар милиция майори. У айни пайтда Чилонзордаги «Шарқ» маҳалласида ишлаб турган милиция таянч пунктининг профилактика катта нозири бўлиб ишламоқда. Маҳаллада 15 мингдан зиёд аҳоли яшайди. 19 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Ирадж Эфтихарнинг синчков нигоҳидан бу ердаги жиноятга омил бўладиган бирон ҳолат четда қолаётгани йўқ. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аъзам Маҳмудов, маҳалла посбонлари сардори Наргиза Илҳомова сингари фидойилар билан доимо ҳамкору ҳамнафас бўлиб иш юритмоқда. Милиция катта лейтенанти Шарифжон Бозорбоев унга барча ишларда камарбаста бўлаяпти.

Шу йилнинг март ойида маҳалладаги оилаларнинг бирига уч нафар шахс бостириб кирди. Ниқоб кийиб олган бу шум ниятлилар уй бекасидан катта миқдордаги маблағни талаб қилишиб, оёқ-қўлини боғлаб қийнашди. Аммо улар талаб қилган нарса бу ерда йўқлигига фаҳмлари етгач, хонадондаги қимматбаҳо нарсаларни олиб, агар бу ҳақда милицияга хабар берсанг қизингни гумдон қиламиз, дея қўрқитиб ғойиб бўлишди. Аёл ўзига келгач бу жиноят ҳақида «02»га хабар қилди. Тезкор гуруҳ майор Ирадж Эфтихар бошчилигида бутун чораларни кўриб тезкорлик билан жиноятчиларни қўлга олди. Уч босқинчининг иккитаси илгари шундай қилмиши учун судланиб тегишли жазони олган, лекин ўзига тегишли хулоса чиқармай юрган шахс бўлиб чиқди. Уларни тезда аниқлаш ва ушлаш милициядаги ўзига хос маҳорат, малака, қолаверса, бой амалий тажрибанинг самарасидир. Шу боис маҳаллада жиноятчилик тобора камайиб бормоқда. Уни олдини олишга қаратилган тадбирлар кучайтирилаяпти.

Чилонзор туманида майор Қиличбек Нормуродов, Бобир Ўрозов, лейтенант Баҳодир Файзиев, катта лейтенант Толиб Зоиров, капитан Қувватали Ҳайдаров, капитан Зокир Жовунов каби ўнлаб ўз касбининг устаси бўлган профилактика инспекторлари кечаникеча, кундузни-кундуз демай халқ осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ўзи тинчнинг юрти тинч, деб бежиз айтилмаган. Зеро, тинчлик – бебаҳо бойлигимиздир. Бу бойликни асраб-авайлаш, қадрига етиш эса ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу бурч айниқса, милиция ходимларига алоҳида масъуллик юклайди. Осойишталик посбонлари шу юксак масъулиятни дилдан ҳис этган ҳолда элим деб, юртим деб ёниб яшамоқдалар. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигига зирҳли қалқон бўлишяпти.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Адолат» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: 1. жиноят-қидирув бўлими бошлиғининг 1-ўринбосари, мойор Набижон Турсуналиев, бўлим бошлиғи ўринбосари майор Толиб Ҳайдаров ва катта тезкор вакили Парда Аҳмедов яна бир жиноий ишнинг таҳлилини охирига етказишмоқда.**

**2. «Шарқ» маҳалласи милиция таянч пункти катта профилактика нозири, милиция майори Ирадж Эфтихор маҳалла оқ-соқоли Аъзам Маҳмудов ва маҳалла посбонлари сардори Наргиза Илҳомова билан қилинган ишларни таҳлил этишмоқда.**

**Эркин БОТИРОВ олган суратлар.**

Футбол: таҳлил ва мулоҳаза

# ЎЗБЕК ФУТБОЛИ МАВҚЕИНИ ҚАЧОН КЎТАРАМИЗ?

*Ўзбекистон - футболни ривожлантириш юзасидан қарор чиқарган ягона мамлакат*

***Ливандаги Осиё кубоги баҳсларида иштирок этган Ўзбекистон футбол терма жамоаси ишқибозлар ишончини оқлолмади. Ун икки давлат терма жамоалари орасида энг ёмон кўрсаткич айнан юртдошларимизга тегишли экани кишига алам қилади.***

***Ўзбек футболи бундай инқирозга қачон юз тутди? Унинг илдизларини қаердан ахтариш керак? Эртага айнан шундай шармандали аҳволга яна тушиб қолмаслигимизга ким кафолат беради? Шу ҳолатларни яна такрорламаслигимиз учун бугун нималарга эътибор беришимиз керак?***

Аввало ана шу саволларга жавоб топаолсак ва топилган жавобларга амал қилинсагина ўзбек футболининг мавқеи яна юксалиши шубҳасиз.

Биз бугун терма жамоамизнинг Ливандаги мағлубиятлари сабаби деб — ўйинчиларимизнинг ўз имкониятлари даражасидан паст ўйин кўрсатгани, мураббийлар жамоани мусобақаларга муносиб тайёрлай олмагани, легионларимизни жамулжам қилиб, бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилмагани туфайлидир, десак, энг калта ўйлаган, мен бундан келган хулосамиз адолатли эмас деб ҳисоблаган бўлур эдим.

Бу муаммонинг илдизини менимча, миллий чемпионатимизнинг ўша датлабки йилларидан излашимиз лозим. Бугунга келиб ҳам футболимиз тепасида ўша собиқ Иттифоқ даврида фаолият кўрсатганлар «ижод» қилишаяпти. Натижада футбол савияси мамлакатимизда йилдан-йилга пасайиб бораётгандек назаримда. Бугуни футболимиз худди «кўргазмали чиқиш»га ўхшайди. Лекин бу хўжакўрсин кимга керак дегувчи мард йўқ.

Аввало футболимиз келажаги хусусида. Болалар футболидаги бугунги аҳволни қониқарли деб бўлмайди. Нега, деган савол туғилиши мумкин. Буни оддийгина қилиб, менинг назаримда ҳаққоний жавобни беришимиз мумкин. «10 ёшли футболчилар баҳси» деймизу 11-12 ёшлиларни майдонга туширамиз. «15 ёшлилар куч синашмоқда» деб 16-17 ёшдаги футболчиларни ўйнатамиз. Агар бир нарсага эътибор берган бўлсангиз ана шу беллашувлар қайси вилоятда ўтса, ўша жойнинг ёш футболчилари чемпион бўлишмоқда. Тўғри, буни ёмон жойи йўқ. Аммо сал ўтмай бошқа вилоятда ўтган айнан шундай беллашувда ана шу чемпион жамоа ҳатто тузукроқ ўринни ҳам эгаллай олмаётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Бунинг сабаби, ҳатто болалар футболига ҳам нохолислик аралашганидан эмасмикан? Бу «иш»имиз билан мурғак қалбларни синдириб қўймаётганмиканмиз?

Миллий чемпионатдаги II табақа, яъни вилоят биринчилиги баҳслари деярли барча вилоятларда номигагина ўтказилмоқда. I табақа ўйинларида ҳам аҳволни айтарли қониқарли деб бўлмайди.

Олий табақа ўйинлари йилдан йилга ўз савияси, мавқеи, нуфузи ва шижоатини йўқотиб бормоқда. Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистондан энг яхши ўйинчилар аввалги Ўзбекистон чемпионатида тўп суришга интиларди. Ҳозир эса улар бизнинг чемпионатимизда иштирок этишдан воз кечишмоқда. Яна нега, деган савол кўндаланг бўлади. Демак чемпионатимиз қўшниларимизни ҳам қаноатлантирмаяпти.

Ва ниҳоят, футболимизнинг кескин сусайишининг менинг назаримда энг асосий сабаби — ўта паст савиядаги ва кўп ҳолларда нохолисона ўйинни бошқарилиши деб ўйлайман. Бир нигоҳ ташланг, чемпионатимизнинг энг муҳим ўйинларини майдонда ўзининг «диктатор»лиги билан донг таратган, майдоннинг у четидан бунисига тўрт марта ҳам югуриб бориб кела олмайдиган, ёши аллақачон ўтиб қолган ҳакамлар бошқаради. Уларни ким кўрикдан ўтказди? — дерсиз. Уларнинг ўзлари. Чунки, бошқарув айнан шуларнинг қўлида.

Айнан ана шу бошқарув янгиланмас, ёшармас экан, ҳакамликда ўзгариш бўлмайди. Ўйинни бошқарганда нохолислик бор экан, футбол ривожланмайди.

Ўзбекистон — футболни ривожлантириш юзасидан қарор чиқарган ягона мамлакат. Лекин жойларда ана шу муҳим ҳужжатнинг ижросига панжа орасидан қаралаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хўжа-кўрсинга, «борми — бор» қабилида қилинган иш билан эса узоққа бориб бўлмайди. Аслида эса ўзбек футболи бугунги иқтидорли ўйинчилари, ажойиб мураббийлари билан жаҳон миқёсига чиқишга тўла ҳақлидир.

**Абдужамол ҚАЮМОВ.**

## ҚАҲҚАҲА

– Милиция ходимлари машинамни ўғирлаган одамни ушлашибди. Қамоқхонага бориб уни бир кўриб келсаммикин?

– Ие, қизиқ экансан—ку! Нима қиласан ўғрини кўриб?

– Машинамни қандай юргизганини сўраб олмоқчиман.

* * *

**Талончи коронғу ерда бир аёлни тўхтатибди:**

**– Хоним, пулни чўзинг бу ёққа. Фақат тезроқ. Агар пистолетимдан чиқадиган сув юзингиздаги пардозингизни ювиб юборса ҳатто эрингиз ҳам танимай қолиши мумкин.**

* * *

Қамоқхона бошлиғи ташриф буюрувчиларга:

– Мана бу камерада ўтирган одам бизнинг фахримиз. У бизнинг муассасага биринчи бор келганда ғирт саводсиз эди. Биз уни ўқишга, ёзишга ўргатдик. Ҳозир эса ҳужжатларни қалбакилаштиргани учун ўтирибди.

* * *

**Судда прокурор қотилга деди:**

**– Судланувчи, айтингчи, нега сиз қутини бузишдан олдин нариги хонада ухлаб ётган, қулоғи оғир кампирни ўлдирдингиз?**

**– Чунки қутичада: «Фақат мен ўлгандан кейин очилсин», деган ёзув бор экан-да!**

* * *

Қамоқхонада ўтирганлар ер тепиниб:

– Вася, янги йил билан, – деб шовқин солишмоқда.

Вася эса ҳайрон.

**— Алло Алло, ой-ижон! Куёвингиз «Аччиқ чой қилиб бер», деяпти, Чойни қандай дамлар эди!..**

– Қанақасига янги йил, ҳозир ноябрь ойи-ку!

– Эшитмадингми, сенга яна бир йил қўшишганини.

* * *

**Судда эр-хотин ажралишмоқда.**

**Судья эрга деди:**

**– Хотинингиз билан ажралишингизнинг сабаби нимада?**

**– Иккаламизнинг дунёқарашимиз икки хил. Уни эркаклар қизиқтиради. Мени эса аёллар.**

* * *

Судья:

– Нега хотинингиз билан ажралишмоқчисиз?

– У ўринда ётиб чекади.

– Бу ажралишга сабаб бўлолмайди.

– Аммо у кўпинча кулдонни кулоғим билан алмаштириб қўяди-да!

* * *

**Ичиб олган ДАН ходими енгил машинани тўхтатиб ҳайдовчига деди:**

**– Нега рулда икки киши ўтирибсизлар?**

**Кайфи тароқ ҳайдовчи эса жавоб беряпти:**

**– Нега машинамни шунча одам ўраб олдинглар?**

* * *

ДАН ходими тезликни оширган ҳайдовчини тўхтатиб деди:

-Жарима тўлашингизга тўғри келади.

– Илтимос ака, ундай қилманг, – зорланди ҳайдовчи.

Инспекторнинг чўнтагига пул солмоқчи бўлиб.

– Олинг, уйга, оила тебратишга керак бўлиб қолади.

– Мен бўйдоқман, – деди инспектор.

Ранги ўчган ҳайдовчи эса ўзича тўнғиллади.

– Сендай одамга ким ҳам тегарди.

* * *

**ДАН ходими ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш бўйича ўтказилаётган имтиҳонда бир йигитчага деди:**

**– Агар машинангизда юз километр юргач, бирдан машинанинг калити гаражда қолганини сезиб қолдингиз, дейлик ана шунда нима қиласиз?**

**– Мен тормозни босиб, машинадан тушардимда, уни орқасидан итариб келаётган аҳмоқни бир тепардим.**

Инсон-мўъжиза

# ВАНГА «КУРСК» ҲАЛОКАТИНИ ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРГАНДИ

***Баренц денгизи томондан келаётган таҳликали янгиликлар одамларни ҳаяжонга солиб турган бир пайтда Курск шаҳрида яна бир гап оралаб қолди. Ишхонада ҳам, транспортда ҳам, ошхоналарда ҳам одамлар бу ҳақда гапиришмоқда. У гапларнинг ҳаммаси машҳур башоратчи Ванга тўғрисида: аниқроғи унинг Курск ҳалокати тўғрисидаги башорати атрофида бўляпти.***

Гап шундаки, 1999 йилда Марказий телевидение кўрсатувларидан бири болгариялик башоратчи – икки кўзи кўр бўлган Вангага бағишланган эди. Унга 2000 йилга тааллуқли қандай башоратлар қила оласиз, деб савол берилганди. Кўплаб башоратлар қатори «Курск» сув остида қолади деган эди. Ҳатто бу воқеа 1999 йилда ёки 2000 йилда юз беради, деб тахмин қилганди. Фақат ойини аниқ қилиб августда бўлади деганди. Курскнинг туб жой аҳолиси орасида «Роса опқочибди-ку, «биз қаерда-ю, денгиз қаерда?» деб Ванга устидан кулганлар ҳам бўлади. Бироқ, бошқалар шаҳарга яқин бўлган Курчатов атом электростанциясида бирор кор-ҳол рўй бермасмикан, деб хавотирга тушдилар.

Роман СТАРОСТИН, инженер, 23 ёшда:

– Мен кулганлардан бири эдим. Аммо сув остида шаҳримизнинг денгиздаги адаши қолиб кетиши мумкинлиги хаёлимга келмабди.

Лидия ИВАНОВА, иқтисодчи, 45 ёшда:

– Мен диндор одамман. Шунинг учун Ванганинг башоратига ишонганман. Фақат атом станцияси портлаши мумкиндир, деганлардан эдим. Бироқ бундан унча ташвишланмагандим. Ҳар нарса худодан дердим. Энди бўлса, Ванга нимани назарда тутганлигини тушундим. Сувости кемаси «Курск»ни назарда тутган экан у. Қизиқ, кўр одам башоратини биз кўзи очиқлар англамабмиз. Балки башоратлар тўғрисида жиддийроқ ўйлаб кўришимиз керак, шекилли.

Кечаги сирлар очилмоқда

# «ДИАНАНИ ҚАСДДАН ЎЛДИРИШГАН»

***Буюк Британия маликаси Диананинг сирли ўлими ҳали кўпчиликнинг эсидан чиққанича йўқ. Маълумки, расмий маълумотларга кўра у ўзининг қаллиғи Доди ал-Файёд билан бирга автомобиль фалокати натижасида ҳалок бўлганди. Додининг дадаси, Лондонда истиқомат қилаётган мисрлик миллионер Муҳаммад ал-Файёд эса бутунлай бошқа фикрда экан.***

– Жаноб ал-Файёд, Доди ва Диананинг турмуш қуришлари тўғрисидаги гаплар тўғримиди?

– Ўлимларидан ярим соат олдин Доди ва Диана менга қўнғироқ қилиб, ўғлим маъшуқасига никоҳ узуги харид қилганини, эртасига якшанбада Париждан Лондонга қайтгач никоҳдан ўтишларини маълум қилишди.

– Фалокат содир бўлган 30 дан 31 августга ўтар кечаси сиз қаерда эдингиз?

– Мен Лондондаги уйимда эдим. Соқчилик хизмати қўнғироқ қилиб, Доди ҳалок бўлганини, Диананинг ҳали тириклигини маълум қилди. Мен вертолёт чақириб, Париждаги шифохонага учдим. Диана реанимацияда эди.

– Уни қутқариб қолса бўлармиди?

– Буларнинг ҳаммаси олдиндан пухта режаланган бўлган. Унда омон қолиш имконияти йўқ эди. Ҳалокат жойидан шифохонагача 15 дақиқалик йўл, уни эса 45 дақиқада олиб боришган. Шунча жароҳати бўла туриб анча вақтгача уни ҳодиса жойида ушлаб, «биринчи ёрдам кўрсатиш»га ҳаракат қилишган. Унинг тирик қолиш имконияти бор эди, лекин буни беришмади.

– Доди қандай ҳалок бўлган?

– Ёлланма қотил (киллер)лар Доди ва ҳайдовчисини лазер қуроли билан ўлдиришган. Доди дарҳол ҳалок бўлган. Уларнинг машинасини икки мотоциклчи таъқиб қилиб, «Мерседес»ни қувиб ўтган ва ўқ узган.

– Француз расмийлари ўтган йили сентябрда Доди ва Диананинг ўлимига қонида катта миқдорда алкогол аниқланган ҳайдовчилари Эрри Поэл айбдор, дея ҳукм чиқариб, ишни ёпишганди. Бунга нима дейсиз?

– Биринчидан, ҳали жиноий иш ёпилмаган. Иккинчидан, лабораторияга ҳайдовчининг қонини эмас, бутунлай бошқа одамникини келтиришган. Қонда топилган алкогол ва бошқа заҳарловчи моддалар миқдорига кўра ҳайдовчи машина ҳайдаш у ёқда турсин ҳатто оёғида тик туролмасди.

– Икки шаҳзоданинг онаси бўлмиш Диана ўғлингизга турмушга чиқиб, ҳаётини тубдан ўзгартиришига қиролича ойласидаги собиқ қариндошлари йўл бериб қўймасликларидан хавфсирамасмиди?

– Жуда-жуда хавфсирарди. Қачондир у менга: «Бир куни вертолётда ҳавога кўтариламану, қайтиб келмайман», – деганди.

– Сизда қирқ нафар соқчи борлиги тўғрими?

– Қирқ дейсизми? Ундан ҳам кўп. Ахир менга дўқ-пўписа қилишяптику?

– Энди нима қилмоқчисиз?

– Ўғлим ва Диананинг ҳалокатини текшириш билан шуғулланишни давом эттираман. Мени тўғри тушунинг. Ўч олиш ниятим йўқ. Мен адолат бўлишини истайман. Қотил ким бўлишидан қатъий назар жазосини олиши керак. Тирик эканман шу йўлда курашавераман.

Бу китобни ўқинг!

# «ЗАМОНДОШЛАРИМ»

***Ёшликда маош олган куним, албатта, китоб дўконига югурардим. Тарки одат – амри маҳол, дейдилар. Ҳалиҳануз аҳвол шу. Аввалари маош олган куни китоб дўкони қайдасан, деб йўлга равона бўлинса, эндиликда нафақага аввал бошда қўлга тегиши билан китоб харид қилинади.***

Бу гал китобим ҳамкасабам, ажойиб инсон Исмоил Сулаймоновнинг «Замондошларим» деган китоби бўлди.

Ҳамкасабаларимиз – журналистлар суратлари билан зеболанган китобни ўқирканман, кўпдан буён кўрмаганим юрагимга яқин кишилар китоб саҳифаларидан чиқиб, хонадонимга ташриф буюргандай қувониб кетдим.

Китобга кирган илк лавҳа халқимизнинг севимли шоираси Зулфияхоним ҳақида экан. Муаллиф лавҳасида ҳам, ундан кейин келадиган бошқа ардоқли сиймолар – химик олима Зарифа Саидносирова, ҳамда фан доктори Фозила Сулаймоноваларнинг ҳаётнинг оғир сўқмоқлари оша фан чўққисига чиқишга эришгунга қадар бошга тушган азиятларни қандай енгиб ўтганлари ҳақида ҳикоя қилади. Узоқ йиллар давомида ёнма-ён хизмат қилган ҳамкасабаларни эслашга ўтганида эса очилиб кетиб, шунчалар самимият билан ҳикоя қила бошлайдики, сиз ўзингизни шу дўстлар даврасида, шу жўшқин ҳаёт оғушида сезасиз, асли касбингиз нима эканлигидан қатъий назар журналистга айланасиз ва таҳририят ташвиш ва қувончларини ўзингизники қилиб оласиз.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти тарафидан 2000 йилда нашр этилган Исмоил Сулаймоновнинг «Замондошларим» китоби қаҳрамонлари менинг ҳам замондошларим бўлиб чиқди. Бундай фикр юритилса, муаллифдан тортиб унинг қаҳрамонлари-ю, ҳамма-ҳаммамиз шўро замонида яшаган авлодмиз. Бизнинг замондошлар сўнг шахсга сиғиниш давридаги «халқ душманлари»га қирон келтирган йиллар оша ошкоралик даврига етади ва ниҳоят мамлакатимиз узра ҳуррият қуёши балқди...

Китобга кирган лавҳаларнинг бари элга манзур бўлган, эл таҳсин ўқиган, демакки муаллиф ҳам суйган, покиза, ҳалол, заҳматкаш инсонларни меҳр билан таърифлайди. Улар орасида ўз мактабини яратган аллома, замонамизнинг қомусчи олими Убайдулла Каримов бор. Муаллиф у ҳақда ўз китобида «Ўз даври фан тараққиётининг энг юқори чўққиси бўлган Розий, Ибн Сино ва Беруний меросини элига қайтариш халқимиз орасида турган энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифа эди. Ана шу саодатли ишларга бел боғлаган кишиларнинг сардори Убайдулла Каримов бўлди» – деб ифтихор билан ёзади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Исмоил Сулаймоновнинг бу китобига кирган битикларда шоир Шайхзода ҳақида «Шайхзода қайта туғилган кун», суюкли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳақида «Шоирнинг жасорати», олтмишинчи йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррирлик қилган Зиёд Исломович Есенбоев ҳақидаги «Устоз» ва қатор бошқа замондошларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги лавҳалар қизиқиб ўқилади.

Ўйлайманки, олимлар, ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги лавҳаларни ўз ичига олган бу китоб қўлларга манзур бўлади ва ака-ука, опа-сингиллар ҳамда дўст-биродарларга ҳайрли тортиқ бўлади.

**Холида АҲРОРОВА.**

Кимки жафо қилса...

***Фирибгарларнинг айёрликда тулкини ҳам ярим йўлда қолдириб кетадиган хурмача қилиқлари ҳақида кўп эшитганмиз. Уларнинг тузоғига ишониб «чув» тушиб қолганлар ҳам орамизда кўп. Лекин яқинда Марғилон шаҳрида пихини ёрган яна бир фирибгар ушланди.***

# СОХТА СОЛИҚЧИ

Маълум бўлишича, бу учар ҳозир йигирма беш ёшда, асли қўшни мамлакат – Қирғизистон Республикаси фуқароси, пойтахтимиздаги маданият институтини тамомлаган, артист. Артистлиги тутиб қолганми, мўмай пул топиб «бойвуччча» бўлгиси келганми, ишқилиб бир юмалаб катта «амалдор»га айланган. Ш. Нуралиев жаноблари Республика солиқ қўмитасининг номидан «Вилоятлараро солиқ координатори» деб тайёрланган соҳта хизмат гувоҳномаси ва қўмитанинг нотўғри координатлари кўрсатилган махсус бланкалари билан Марғилон шаҳар «Қумтепа» саноат моллари бозорида бир неча паттачи ва ғазначиларни таъмагирлик йўли билан текшириб, ноқонуний ҳаракатларни содир этаётган пайтида «тузоқ»ка илинди. Қаранг, битта олғир куппа-кундузи бутун бошли бозор аҳлини гангитиб турса-я!..

Ҳақиқатдан ҳам қизиқ, бошқа томондан эса, бундай иш учун отнинг калласидек юрак керак. Чунки бу ҳазилакам иш эмас. Шундан ҳам хулоса чиқариб айтиш мумкинки, бу йигитча шу пайтгача унча-мунча «иш» кўриб қўйганлиги аниқ.

Билмадик, у бу кунга қадар қанча бозорларимизга «саёҳат» қилиб, не-не мутасаддиларни лақиллатиб кетган? Бу тулки мижоз меҳмоннинг нияти жуда ёшлигиданоқ айниган кўринади. Йўқса, институтда артистлик ўрнига фирибгарликни ўрганармиди?!. Бироқ... ёлғонни қойил қилишининг ўзи ҳам артистлик эмасми? Энг ёмони, ҳали ёш бўлатуриб ўзини бадном қилди. Гўзал водийда бир омадини синаб кўрмоқчи бўлган учарнинг омади чопмади, артистчасига айтганда «номери» ўтмади. Жарақ-жарақ пул ишлаб кетиш илинжида келган эди, бошида калтак синди.

Кўпинча тадбиркорларимиз юқоридагига ўхшаш олғирларга алданиб қолганлари ҳақида шикоят қилишади. Уларнинг ҳам табиати қизиқ. Суриштирувчини кўрганда оёғи қалтирамай, олдин у билан батафсил танишиши, текшириш ўтказиш учун махсус буйруқ ва ваколати бор-йўқлигини аниқлаб олиши мумкинку?!Нима, ҳар сафар чув тушиб, кейин айюҳаннос солиб юриш шартми?!

Ҳурматли тадбиркорлар, аввало ўзингизга эҳтиёт бўлинг, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилишга ўрганинг. Қолаверса, юқоридагига ўхшаган «текширувчи»лар онда-сонда бўлса ҳам учраб туради, ундайларни кўрганда каловланиб қолманг...

Ўшлик Шавкат Нуралиевдан эса кўнглингиз тўқ бўлсин, у энди сизга учраб тинчингизни бузмайди. Қилмишига яраша жазосини олди. Катта муттаҳамнинг «юриш»ига шу тариқа чек қўйилди.

**Бахром ОБИДЖОН, журналист.**

Одамлар ва одатлар

# АМЕРИКАЧА НИКОҲ, ТЎЙИ

*ёки келин-куёв нега йўқолиб қолади?*

***Америкача никоҳ маросимлари бизникидан тамомила фарқ қилади. Уларнинг одатига кўра, бўлғуси келин ва куёв тўйдан олдин учрашиб, никоҳ тўйини қандай ўтказишни режалаштириб оладилар. Бу учрашувдан олдин йигит, албатта, қизга қимматбаҳо тошли олтин занжир совға қилади. (Бу занжир турмуш қуришга розилик белгисидир). Бу олтин занжирни безаги ҳисобланган энг арзон тош 400 доллар қийматга эга.***

Икки ёш тўйни қандай ўтказишни режалаштириб бўлганларидан сўнг ким тўйнинг қайси ҳаражатларини тўлашлиги кераклигини келишиб оладилар. Кўпгина ҳолларда келин газетада бериладиган эълонлар, таклифномалар, суратлар, никоҳ кўйлаги, дугоналарга қилинадиган сарф-ҳаражатлар, черков учун гуллар, черковга олиб борувчи машиналар, тўй зиёфати, черков тўловлари, хизматлар, созандалар, келин учун ва торт харажатларини тўлайди. Куёв эса никоҳ узуги, гул, никоҳ кечаси ўтказиладиган меҳмонхона ва асал ойи саёҳати ҳаражатларини тўлайди.

Америкада келинга гул тақдим этиш баъзи жиҳатлари билан нафақат Осию, балки баъзи жуфт (кўпинча 16 ёки 18 дона) гул берадилар. Келинга тақдим этиладиган ушбу гуллар замирида ўзига хос сир-синоат ётади. Уларда қизил атир гул – мен сени севаман, оқ атиргул мен сизга муносиб умр йўлдоши бўламан, бинафша – бир биримизга вафодор бўлайлик, марварид гул – иқболимиз порлоқ бўлсин деган мазмунни англатади. Америкада йигитлар никоҳ узукларини танлашга жуда катта эътибор берадилар. Бу никоҳ узукларининг кўзлари ҳам гуллар сингари ўзига хос мазмунга эга. Жумладан, улар олмос – меҳрибонлик, марварид соғлиқ ва гўзаллик, ёқут – севги ва тотувлик рамзидир. Қизиғи шундаки, бизда никоҳ узуги ўнг қўлнинг номсиз бармоғига, уларда эса чап қўлга тақилади. Бунинг сабаби, улар инсон юраги чап томонда бўлганлиги учун жуфти-ҳалолини, яъни ҳаётдаги энг яқин суянчиғини эслатувчи никоҳ узуги оташин қалбларга яқин бўлишини истайдилар.

Америкаликлар узоқни кўра биладиган халқдир. Уларнинг бу жиҳатини тўй тантанасини ўтказиш жараёнида ҳам кузатишимиз мумкин. Ҳар бир тўйга таклиф қилинган меҳмон тўйга ўзи хоҳлаган совғани олиб келмайди. Меҳмон келин-куёвдан тузиб қўйилган совғалари рўйхатини сўрайди ва у билан танишиб чиқиб, ўзининг қурби етадиган совғани танлаб, уни келин-куёвга тўйдан икки-уч кун олдин юборади. Келин-куёв бу рўйхатга асосан тўйдан кейин яшайдиган уйлари ва оила учун зарур бўлган буюмларни киритади.

Тўй оқшоми келин-куёв «сирли йўқолиб қолади» ва улар бу тунни олдиндан жой олиб қўйган меҳмонхонада утказадилар. Эртасига эса асал ойи сафарига йўл оладилар. Улар сафар давомида барча ташвишларни унутиб, хотиржам дам оладилар ва янги оилавий ҳаёт бошлаш учун куч-гайрат, чидам ва бардош йигадилар. Бу сафар уларга келгуси ҳаётларини режалаштириш учун қулай фурсат ҳисобланади.

Биласизми?

# ЮРАК ҲУРУЖИНИ ҚАНДАЙ СЕЗИШ МУМКИН?

Одатда юрак ҳуружи томдан тараша тушгандек қуқкисдан рўй бермайди. Танангиз бу ҳақда Сизга маълум сигналлар беради. Шу сигналларни тўғри англаб етиш ҳаётингизни асраб қолиши мумкин.

1. Кўкрак қафасининг ўртасида пайдо бўлган босимни ҳис этиш шу сигналлардан бири ҳисобланади. Юрак одатда ўрганиб қолганимиздек чап томонда эмас, айни шу ердадир.

2. Оғриқ зўрайиб, бутун кўкрак қафасига ёйилиши ва чап қўл бўйлаб сурилиши мумкин.

3. Оғриқ аста-секин ҳар икки қўлга, елкалар, бўйин ва жаққа тарқалиши мумкин. Қорин қисмида босим, қисилиш сезилиши ва бунга ошқозоннинг тартибсиз ўзгариши бўлса керак, деб нотўғри қарашимиз мумкин.

4. Оғриқ бир жойда ўрнашиб олиши ёки юқорида айтилган ҳамма аъзога ёйилиши мумкин. Оғриқ тўхташ ва қайталаниш хусусиятига ҳам эга. Бундай пайтда одам терлаб кетиши, беҳуш бўлиши, қусиши, нафас олиши қийналиши мумкин.

Хулоса шуки, ўзингизда шубҳали ўзгариш сезганингиз ҳамон шифокорга мурожаат этинг.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ва «Адолат» газетаси жамоалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Раҳим Эгамбердиевич Ҳудойбердиевга рафиқаси

**Азизахон ХУДОЙБЕРДИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т.О.ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (Бўлим мудири), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, М. КАЛОНХОНОВ (Бўлим мудири), А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, С. СИРОЖИДДИНОВ (Бўлим мудири), Н. НУРМАТОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона – 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-55-64.
Ижтимоий адолат ва ҳуқуқ бўлими–136-55-96.

Навбатчи – Илҳом СИДДИҚОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 1036, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Кўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.